

ЎЗНОМА  
1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

# Тасвир

№ 43—44 (2307—2308)

1991 ЙИЛ 23 АПРЕЛЬ

СЕШАНБА

БАҲОСИ 20 ТИЯИН

ЧИҚИШЛАРИМИЗГА МУНОСАБАТ

## ЛОЙИҲА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

УзССР Адлия вазирлигида рўзномангизда эълон қилинган «ДМПнинг қўли кишанда» сарлавҳали мақола ва унда кўтарилган масалалар ўрганиб чиқилди.

Дарҳақиқат, айрим ДМПларнинг беқор қилиниши ва унда даволанаётган барча шахсларни бу ерга юборилиш сабабларини чуқур ўрганмай, уйларида жўнатиб юборилиши бу соҳада ташкилий камчиликларга йўл қўйилганидан далолат беради. Жамоат тартибини бузмаган, бошқаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказмаган, даволанишни давом эттиришни эса истамаган тақдирдагина улар ДМПлардан озод қилиниши лозим эди.

ДМПларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ислоҳ қилиниши ва жумҳурият соғлиқни сақлаш вазирлиги қарамонига ўтказилиши ССЖИ конституцион назорат қўмитасининг 1990 йил 25 октябрдаги ҳулосасига асосан амалга оширилган.

Бу ҳулосага кўра алкоғолизмдан ихтиёрий равишда даволанишдан бўйин товланиши ўзигина, агар бу шахс томонидан сурункали равишда жамоат тартиби бузилмаган ёки бошқаларга озор етказилмаган бўлса, ҳуқуқий жавобгарлигини келтириб чиқарувчи қонунбу-

зарлик деб ҳисобланмаслиги лозим.

ДМПларда мажбурий даволаш режими ўз моҳиятига кўра озодликдан маҳрум қилишга яқин туради. Шуларни ҳисобга олиб конституцион назорат қўмитаси инсон ҳуқуқларини чеклашга олиб келувчи мажбурий даволашга юбориш тартибини ва ДМПлардаги мавжуд ҳуқуқий режимни конституцияга хилоф деб топиб, бир қатор тегишли норматив актларни кучдан қолдирди.

Шунга асосан ДМПлар УзССР соғлиқни сақлаш вазирлиги ихтиёрига ўтказилди. Сурункали алкоғолизм касалига чалинган ва ихтиёрий равишда даволанишдан бош тортаётган, айни пайтда жамоат тартибини, социалистик турмуш қондаларини бузаётган шахсларни мажбурий даволанишга юбориш тартиби ва даволаш режими белгилувчи норматив актлар лойиҳалари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, шу жумладан ички ишлар вазирлигининг шу соҳа бўйича мутахассислари томонидан тайёрланиб, УзССР Президенти аппаратида тақдим этилган.

**Р. КАРИМОВА,**  
УзССР Адлия вазирлиги бошқармасининг бошлиғи.



## ҲАЛОЛЛИК

Кексаларимиз дуога қўл очганларида: «Топганинг тўйларга буюрсин, уйинг тинч бўлсин, илоҳим»,— дейишади. Бу бежиз эмас. Ҳалол меҳнат орқали тўпланган маблағ тўйга сарфланади, ширинсўз, дилтортар, фидойи инсонларнинг ҳар куни жозибали ўтади. Чунки бола-чақаси соғ-саломат ўсади, дўстлар даврасида ўз ўрни бўлади, ишхонада ҳурматли саналади. Уй тинчи-ю, топгани тўйга буюргани шу-да!

Рихситилла Назаров ана шундай кишиларнинг бири. У 1980 йили ТошДДни тугатгач, УзССР Фанлар академияси электроника илмгоҳида ишлай бошлади. Бир йил ўтгач, меҳнат жамоаси йўлланмаси билан ички ишлар идораларига хизмат қилишга ўтди. Шундан бери у миллияда.

1983 йили Рихситиллани Калинин тумани ИИБ раҳбарияти участка вакили лавозимига ўтказди. Шундан бери ишончини оқлаш йўлида бор куч-ғайратини аямай келмоқда. Масалан, биргина ўтган йили у тўртта жиноятни очди. Кўпгина ҳуқуқбузарликларнинг олдини олди. Халқ ҳам унга иззат-икром кўрсатиб, қаторасига уч марта Фрунзе қишлоғи Кенгаши ноиблигига сайлади.

**М. АБДИЕВ.**

СУРАТДА: милиция капитани Р. Назаров.

Сурат муаллифи Б. ХОЛМИРЗАЕВ.

## ҲАМКОРЛИК БОШ АҲДНОМА АСОСИДА БЎЛАДИ

Яқинда УзССР ИИВ ва Олмониянинг Берлин шаҳридаги ЕЦГ Электро-Коммерц фирмаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Бош аҳднома имзоланди.

Томонлар ҳуқуқ-тартибот идоралари олдида турган масалалар ечимини тўғри равишда ҳамкорликни ривожлантириш ва мустақамлашнинг истиқболларига ижобий баҳо бердилар. Чунки ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини бошқа-

ришни такомиллаштиришда, жамоат тартибини сақлашда, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда, ёнги иш ўчириш ва унга йўл қўймасликда техника воситаларини қўллаш кабилар ҳамкорлигининг қирраларидан ҳисобланади.

УзССР ИИВда махсус ва криминал техника, алоқа воситаларининг доимий кўргазмаси ташкил этилади. Шунингдек, реклама мақсадида жиноятчилик билан курашда техник во-

ситаларнинг энг янги нусхаларини ишлатиш ва полициянинг техник жиҳозланishi ҳақидаги видеофильмлар намойиш этилади.

Шундай қилиб аҳолини жинсий ҳатти-ҳаракатлардан муҳофаза қилиш ва жиноятчилик билан кураш борасида Ғарбий Оврўпо мамлакатлари ҳуқуқ-тартибот идоралари тўплаган бой тажрибани ўрганиш ва қўллаш имконияти кенгайди.

Ўз музбиримиз.

«Поста» рўзномасининг қайта тиклангани хайрли иш бўлди. Унда милициядаги қувончу ташвишлар берилмаётгани, ички ишлар ходимларининг муаммолари ёритилаётгани яхши.

Пайтдан фойдаланиб, мени анчадан бери ўйлантириб келаётган баъзи бир ноаниқликлар ҳақида сўзламоқчиман. Чунки ишимиздаги айрим камчиликлар борки, унга ички ишлар вазирлигининг мутасадди раҳбарлари жавоб берса, булар ойдинлашиб, кўпчиликнинг ишига ижобий таъсир қилади, деган фикрдаман.

Биринчидан, маълумки ДАН ходими офицер ёки оддий сержант бўлишдан қатъий назар йўл ҳаракати қондасини бузганларга жойида жарима солишга ҳаққи бор. Лекин участка вакили олий маълумотли ҳуқуқшунос бўлса ҳам, ноқонуний ҳаракат қилган шахсларга жарима солиши мумкин эмас. Нега шундай?

Биламизки, 1985 йил 13 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон ССЖ маъмурий ҳуқуқбузарлик кодексидagi «паспорт қондаларини бузиш» моддаларида (201-205 модда) кўрсатилишича, фуқароларга фақат ижроня қўмита қошида ташкил этилган маъмурий комиссияга 10 сўмгача жарима солиши ёки огоҳлантириши

мумкин. Энди шу жараёни бир кўз олдимиизга келтирайлик. Агар бирорта шахс қондани бузса, участка вакили унга нисбатан маъмурий баённома (протокол) тузади. Сўнг баённома устига хат ёзиб, бошлиғига ёки унинг ўринбосарига қўл қўйдириб олади-да, ҳужжат-

қа вакилининг ўзига жарима солиш ҳуқуқи бериб қўйилса, олам гулистон бўлади-ку?

Иккинчидан, қўшнилари жанжаллашиб қолди, дейлик. Уларнинг қимлиги участка вакилига беш қўлдек аён. Лекин қонун бўйича участка вакили маъму-

қилиши наҳотки мумкин эмас? Агар шу иш амалга оширилса, участка вакиллари турли идоралар ўртасида бўзчининг моқсидек қатнамасдан, бошлиқлар қабулида соатлаб навбат кутиб ўтирмасдан бошқа фойдали ишлар билан шуғулланган бўларди ми?

қолди. Бироқ ички ишлар вазирлиги, бошқармалардан келаётган барча буйруқ, кўргазма, ҳужжатлар рус тилида ёзилган. Нега шундай? Ахир ўзимиз қонунни назорат қилсагу ўзимиз унга рўя этмасак, қандай бўлади? Шунинг учун ҳам баъзи бир участка вакиллари ишхонаси пештоқига «Участка вакили кабинети» деб ёзган бўлса, бошқалари «Участка мубошиғи» деган лавҳани илиб қўйишибди. Ҳам қулгули, ҳам ачинарли.

Бешинчи савол. Кейинги пайтда район сўзи турлича ёзилмоқда. Биров ноҳия, бошқа биров эса туман деб атамоқда. Унинг қайси бирини ишлатишга ҳайронсан?

Ҳурматли таҳририят ходимлари! Юқоридаги саволларимга рўзнома орқали жавоб берсангизлар. Чунки чалқашликлардан гангиб юрган биргина мен эмас, кўпчилик. Тўғри, ҳолисонилло берилган жавоб кўпгина фойдали ишларга тўртки берган бўларди.

Ҳурмат ва илтимос билан Тўхтамурод ҒАФУРОВ, Самарқанд тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш бўлими маси катта инспектори, милиция майори.

МЕН ДАРДИМНИ КИМГА АЙТАМАН

## ЖАРИМА СОЛИШГА КИМНИНГ ҲАҚҚИ БОР?

ларни комиссияга топширади. Мажлис куни аниқ бўлгач, ҳуқуқбузарнинг олдига келади-да, фалон кун ижроқўм қошидаги маъмурий комиссия мажлисига боринг, деган таклифнома бериб кетади. Ижроқўм биноси бу ердан 5 километрдан то 30-40 километргача узоқликда бўлиши мумкин. Қани айтилгичи, қайси ҳуқуқбузар 10 сўм тўлашим ёки огоҳлантириш олишим керак экан, деб ишнини ташлаб, шунча масофага боради. Балоба яна участка вакили қолади. Албатта, янаги мажлисга олиб келиши шартлиги бўйинга қўйилади. ДАН ходимларига ўхшатиб, участ-

рий баённома ёзиб, айбдорни ИИБга олиб келади. Сўнг баённомани бошлиғи ёки унинг ўринбосарига кўрсатади. Улар ҳужжатлар билан яхшилаб танишгач, жанжалкашнинг ташқи қиёфасига қараб ё 10 сўмдан 50 сўмгача жарима тўлаши лозимлигини айтади ёки халқ судига жўнатиш учув кўрсатма ёзиб беради. Ахир, юқорида айтганимиздек, участка вакили ҳаққий айбдор қимлигини билди. Шунга қараб ҳамда қўни-қўшнилари кўрсатмасига биноан ўзи жарима солиши, бўлмаса тўғридан-тўғри халқ судига мурожаат

Учинчи савол. Бундан икки йилча олдин милиция ходимлари ўзининг шахсий машинасидан хизмат давомида фойдаланса, уларга бензин ва эҳтиёт қисм учун моддий ёрдам берилади, деган гапни эшитган эдик. Афсуски, у нарса ҳалигача амалга ошмай келаётир. Бозор иқтисодиёти шарпаси кучли сезилаётган ҳозирги даврда бу нарса жуда муҳимдир. Вазирликнинг алоҳида буйруғи ҳам чиққан эди. Лекин унинг таъсири негадир сезилмаётир.

Тўртинчи савол. Ўзбек тилига давлат мақоми берилганига икки йилча бўлиб



# РЕЖАЛАР БОР, ЛЕКИН...

Фаргона вилояти Киров тумани ички ишлар бўлимида 109 нафар милиция ходимлари хизмат қилишади. Утган йили эса тергов, жиноят қидирув ва қонунбузарликнинг олдини олиш хизматлари учун қўшимча равишда яна учта ўрин берилди.

Шунга қарамай ижобий ўзгаришларга эришиш қийин кечаяпти.

— Чиндан ҳам турли хилдаги жиноятчилик даражаси ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 37 тага кўпайди, — дейди ИИБ бошлиғининг ўринбосари Йўлдошали Хусанов. — Ўғирлик, безорилик, автофалокатлар сони камайиш ўрнига ошиб бораётгани, бу бизни жиддий таъвишга соляпти. Устига устак 1990 йил давомида 14 та жиноят фош этилмади.

— Йўлдошали ака, буни қандай изохлаш керак энди!

— Аввало айбни ўзимиздан қидирганимиз тўғрисида бўлади. Кўпгина ходимларимизда касб маҳорати етишмайди. Қолаверса, қўлимизнинг калталиги ҳам жиддий тўғаноқ бўляпти.

— Масалан...

— Ҳозирги жиноятчилар ҳақида батафсил гапириб ўтиришимга ҳожат бўлмас керак. Энг замонавий қуроллар-у, яп-янги автомобиллар бор уларда. Бизда-чи? Тамоман акси. Қолаверса, жиноятни очиб борасида эксперт-криминалистика муҳтожлик сезилиб қолса, Қўқон шаҳар ИИБ ҳузуридаги эксперт-криминалистика гуруҳига бориб мурожаат қилишимиз керак. Наҳотки 172 мингдан зиёд аҳолиси бўлган катта туман ИИБда шундай мутахассислар ишларини таъминлаш мумкин бўлмасал!

— Айтганларингизда жон бор. Ҳатто шундай шароитни бошқа туман ИИБларида ҳам учратиш мумкин. Бу ҳақда «Поста» рўзномасида ҳам кўп ёзилапти. Ажаб эмас, вақти келиб бу муаммолар барҳам топса.

— Айтганингиз келсин.

— Яна бир савол. Ярани даволашдан кўра олдини олган маъқулроқ дейишади. Профилактика хизмати бўйича нима-лар дейиш мумкин!

— Умуман олганда тажрибаси кўпчиликка мактаб бўла оладиган ходимларимиз бор. Улар кўпчилик. Мисол учун катта участка вакилларидан милиция майори Бахтиёр Маҳмудов, милиция капитани Содиқжон Уринов, участка вакилларидан милиция катта лейтенанти Ҳасанбой Ортиқовлар интизоми, ташаббускорлиги билан ажралиб туришади. Аммо айтса тилни, айтмаса дилни куйдирадиган «лекини» бор.

— Нима экан ўша «лекини»!

— Яна айланиб келиб шароитнинг йўқлиги. Ватан, «Партия XX съезди», Шунқор ва Қашқар қишлоқлари ҳудудида хизмат қилаётган участка вакилларимиз ҳақто оддий иш шароитларида эга эмаслар. Уларнинг кўпчилигида телефонни қўя туринг, ишонасизми, кабинетнинг ўзи йўқ. Бу

ҳақда қишлоқ Кенгашлари, хўжаликлар раҳбарлари, ҳатто туман раҳбарларига ҳам кўп гапирганмиз. Рўзномаларда ҳам ёзилапти. Барибир фойдаси бўлмаяптида!

— ҚХД [кўнгилли халқ дўстликчилари] фаолияти қандай?

— Мутлақо қониқарсиз! Ҳозирги кунда неча марталаб оғзаки ва ёзма равишда мурожаат қилсак ҳам, фойдаси бўлмаяпти. Умуман дўстликчилар фаолияти сезилмаяпти. Хуллас, ҳуқуқ-тартиботни муҳофазо қилишни фақат милиция иши деб тушунишади бизларда.

— Фараз қилинг, хўжаликлар раҳбарларининг ана шу тушунчалари бутунлай ўзгариб қолса...

— Қанийди! Ҳар ҳолда бизнинг ҳам режаларимиз бор. Фақат шу режаларни қўллаб-қувватлайдиган кишилар топилмаяпти. Лекин ўзимиз бир мунча ишларга қўл урганмиз.

Мисол учун жойлардаги ичкиликка ёки умуман тартиб бузишга мойил шахс маҳалладаги битта ҳурматли кишининг назорати остида турса, менимча, бунинг фойдаси катта бўлади. Чунки участка вакили у билан ўн кунда бир марта учрашиши мумкин. Уша маҳалладаги ҳурматли оқсоқол эса кунда, кун ора у билан мулоқотда бўлиб туради. Менга қолса, ҳар бир шундай шахс битта маҳалла кўмитаси фаолига бириктириб қўйган бўлардим. Шунда милиция-

нинг ҳам, маҳалла кўмитасининг ҳам обрўи ошарди.

Бу ҳақда туман ижроқўми мутасаддилари билан келишиб олганмиз, яқин кунларда қишлоқ Кенгашлари фаоллари ҳузурида шу таклифни айтмоқчимиз.

— Йўлдошали ака, энди маҳаллий [муниципал] милиция ходимлари фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Утган йили йирик хўжаликлар ва корхоналар ҳисобидан 27 нафар йигитларни ишга олганмиз. Уларнинг дастлабки қадамлари чакки эмас. Яқинда туман матлубот жамиятлари уюшмаси омиборида катта миқдордаги ўғирлик уларнинг хизмати билан фош этилди. Бу ҳақда «Поста» ўқувчилари ҳам билишади. Агар чидам билан ишланса, улардан кўп наф кутиш мумкин.

Бунинг учун уларни милиция мактабларида бошланғич тайёргарликдан ўтказиш керак. Ана шу ниятимиз амалга ошгандан кейин милиционерларимизни тўртта гуруҳга бўлмоқчимиз. Улар участка вакили раҳбарлигида энг чекка қишлоқларда ҳам туну кун навбатчилик қилишади. Агар хўжаликлар раҳбарлари инсофга келиб, транспорт воситалари билан таъминлаб турса, нур устига аъло нур бўларди. У тақдирда бугунги мушкул вазиятдан чиқишимиз, туманимиз ҳудудида барқарор осойишталикни таъминлаб, эл-юрт ишончини қозонишимиз мумкин.

Сўхбатдош Раҳмон АЛИ.

БУСТОНЛИК туманининг балик хўжалиги ишчиси 18 ёшли Р. Каримов Чирчиқ трансформатор заводи ишчиси С. Пастухов билан жанжаллашиш натижасида унга пичоқ урган. С. Пастухов касалхонага ётқизилди.

ЛЕНИН тумани sanoat комплекси ишчиси Қ. Қўқоров маст ҳолда 17 ёшли М. Сулаймоновни калтаклаган.

ОҚҚУРҒОН тумани Куйбишев номли жамоа хўжалигида яшовчи Г. Ким шу хўжаликда истиқомат қилувчи Н. Кимнинг уйдан буюмларни ўғирлаб кетаётганида қўлга тушди.

ЧИРЧИҚ шаҳар ИИБ жиноят қидирув гуруҳи аъзолари Фуқаролар Плаксин ва Б. Молдағалиевларни текширишганда, уларнинг ёнидан наша чикди.

## «02»

### ХАБАР ҚИЛАДИ

БЕКБОД тумани савдо идораси ишчиси А. Корнилов, Олмалиқдаги техникум толиби В. Сладкевичлар ҳам нашавандлар экан.

ЯНГИОБОДЛИК Ф. Файзуллаевнинг хонадонида қисқа ташув оқибатида келиб чиққан ёнғин уй соҳибига 15 минг сўмлик зиён етказди.

ЖИЗЗАХ вилоятининг 25-шўро хўжалиги ишчиси А. Че Галаба тумани ҳудудида эҳтиётсизлиги туфайли ўзи бошқараётган «ВАЗ-2103» С 18-12 ТШ автомашинаси билан дароҳтага урилди.

ЧИНОЗ тумани ИИБга Оққўрғон туманидаги Куйбишев номли жамоа хўжалиги аъзоси Б. Йўлдошев ариза билан мурожаат қилди. Унда Чиноз шаҳар чойхонасида унутиб қолдирилган 2365 сўм солинган халтасини топиб беришлари илтимос қилинган эди.

Миркарим МИРСОВУРОВ, ички хизмат майори.



Жиноятни очишнинг ўзига яраша оғир-енгли бор. Терговчи хонасида бошини қуйи эгиб турган айбланувчининг чакки қадамни исботлаш эса ундан ҳам мушкул. Шунда сўроқни олиб бораётган ходимларга айблов фикрида исм-шарифи кўрсатилмайдиган касб эгалари ёрдамга келишади. Улар бармоқ излари, сўлак, жароҳатнинг кўриниши, қуролнинг турига қараб, жиноятчини фош этишга катта ҳисса қўшадилар.

**СУРАТЛАРДА:** Урта Чирчик тумани ИИБ катта эксперт-криминалистика, милиция капитани Камол Отамқулов иш устида; мана бу далилий ашёлар унинг қўлидан ўтади.

Суратларни Ҳабибулла ШОДИЕВ ва Боқижон ХОЛМИРЗАЕВ олган.



### ЛОҚАЙДЛИК ҚУРБОНИ

Уй бекаси эрталаб ҳаммани ишга, ўқишга жўнатгач, хоналарни яхшилаб тозалаб чиқмоқчи бўлди. Полни нима билан ювса чинидек тоза бўларкан! Ҳа, топди. У челада бензин олиб келди-да, полни арта бошлади. Шу пайт бирдан еру кўкни ларзага солиб, портлаш юз берди. Кейин эса даҳшатли ёнғин чиқиб, ҳамма томон ловуллаб ёна бошлади.

Бу ачинарли ҳол Ангрен туманидаги «ВЛКСМнинг 50 йиллиги» давлат хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчи С. Акбаровнинг хонадонида юз берди. Уй бекаси — эндигина йнгирма санкиз баҳорини қаршилаган А. Акбаров ва қаттиқ жароҳат олгани учун шифохонада ҳаётдан кўз юмди.

Одамни ларзага соладиган бундай даҳшатли ҳодисалар нега камаймаяпти! Ахир, рўзнома-ю ойналарда, овозингору ойна жаҳонда деярли ҳар ҳафтада кўнгилсиз воқеалар ҳақида гапирилсада, лоқайд бўлсак.

Биродарлар, ҳамюртлар, ҳаммаша эҳтиёткорлик билан иш юртайлик, ана шунда бевақт яқинларимиздан айрилиб, баъзиларимиз ногирон бўлиб қолишдан сақланамиз.

М. МИРЗОИДОВ, ички хизмат майори.

Тонгга яқин соат 4 яримларда эшикнинг кетма-кет тақиллашидан уйғониб кетдим. Ташқарига чиқсам, қўшни маҳаллада истиқомат қилувчи, шахримиздаги 39-автокорхонада шофёр бўлиб ишловчи икки йигит турарди.

— Кечиринг, оромингизни буздик. Лекин ёрдам бермасангиз бўлмайди, — дейишди улар ийманиб.

— Нима бўлди ўзи?

— Тунги сменада ишлаётганим, — деди улардан бири. — «Роҳат» кўли томондан Қўйлиққа қараб келаётганимда катта тезлик билан тор кўчадан чиққан «Жигули» менинг машинамга урилди. Ичидан тушган беш киши айб ўзларидан бўлсада, мени роса дўшослашди.

— Милицияга айтмадингизми?

— Безорилар қўлидан қочиб чиқиб, 50 метрча наридаги ДАН постига хабар қилдим.

— Ҳўш?

— У ерда икки нафар милиция сержанти ўтиришган экан. Улардан бири воқеа жойига келиб, пачақланган машинани кўздан кечирди.

## ТОМОНЛАРНИНГ ЭЪТИРОЗИ ЙЎҚ

Атрофда ҳеч ким йўқ эди. Ҳеч бўлмаса, у-бу нарса ёзиб олинг, йўқса эртага емаган сомсага яна пул тўлашимга тўғри келади, дедим. Инспектор эса айтганимни қилмади, тезроқ бу ердан кетишимни талаб қилди.

Зудлик билан йўлга отландик. Узоқдан кўрдик — бир гуруҳ йигитлар пачақланган «Л 49 68 ТШ» рақамли «ВАЗ-2106» белгили машина атрофида уймаланишар, таксопарника қарашли «ПАЗ» автобусига тиркалган тележакада уни олиб кетиш ҳақида маслаҳатлашшарди.

Мен ўша ердаги ДАН постига кирдим. Чиндан ҳам бу ерда икки нафар инспектор бор экан. Шундоқ биқинларида шовқин-сурон бўлсада, уларнинг бири мудраб, иккинчиси эса бепарво эснаб ўтирарди. Уларини милиция сержантлари Бахтиёр Орипов ва

Зокир Имомалиев деб таништиришди.

— Нима бўлапти ўзи?

— Тинчлик...

— Авария-чи?

— Икки томоннинг ҳам бир-бирига эътирози йўқ.

Мен уларга аввало пачақланган машинани жойида қолдиришни ва зудлик билан ҳодиса тўғрисида шаҳар ИИБ ДАНБга хабар қилишларини уқтирдим.

Шундан кейин бояги йигитларга яқинлашдик.

Ана шундан кейин жанжал бошланди. Олифта кийинган йигитлар бизнинг талабимизни эшитишни ҳам хоҳлашмас, ҳатто шу ернинг ўзидаёқ йўқ қилиб юборишларини айтиб, пўписа қилишарди. Мен қонунчилигимиз бундай зўравонликка йўл қўймаслигини, шунинг учун қуюшқондан чиқиш яхшимаслигини вазминлик билан тушунтирдим. Пачақланган

машинани олиб кетишга келган автобус шофёри рулни орқага бурди. Ниҳоят, зўравонлар ўтирган машина эгасидан ҳеч қанақа даъвоим йўқ, айб ўзимда, деган мазмунда тилхат ёздириб олишга муваффақ бўлдим.

Бу зўравонлар ким — бу менга қоронгу. Лекин назаримда, инспекторлар уларни яхши танишар эди. Автофалокатга бўлган тушунарсиз муносабатлари шундан дарак берарди.

Йўл тасодиқларга тўла, Ким кимнидир жабрлайди. Қасдданми ёки билмасданми озор етказди. ДАН ходимларининг вазифаси — аввало ана шу кўнгилсизликларнинг олдини олиш, иложи бўлмаган тақдирда адолат юзасидан иш кўриш. Ҳатто уларнинг ишга қабул қилинаётганда ичадиган қасамлари ҳам шунга ҳам-оҳанг.

Милиция сержантлари Бахтиёр Орипов ва Зокир Имомалиевлар бу сафар ана шу муқаддас қондан бузишгандек туюлди менга.

Исмоил МИНАВВАРОВ, милиция лейтенанти.



Лавозим юқорилашган сари одамлардан йироқлашиллар экан-да

Ислон **КАРИМОВ:**

# «ТЎЛА ИҚТИСОДИЙ ЭРКИНЛИК ШАРОИТИДА ҚАТЪИЙ ТАРТИБ»

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон Президенти И. КАРИМОВ билан «АиФ» мухбири Д. МАКАРОВ суҳбатлашди.

— Сизнинг назарингизда, бир партияли система муқаррар равишда порохурликка ва бошқа салбий ҳолатларга олиб бормайдими, чунки бу системани халқ томонидан таъсирли назорат қилиб бўлмайди-ку!

— Партияни қандай қилиб чинакам халқчил партияга айлантириш ва айни вақтда бутун ҳокимият тузилмасини халқчил қилиш усулларини изламоқ керак. Гап шундаки, Советлар ҳокимияти сўнгги вақтгача қоғозларда ва маърузаларда қолиб келди, ҳақиқий ҳокимият эса партия кабинетларида бўлди. Ҳокимият қоғозда эмас, балки амалда бўлиши учун аввало барча оқил кишиларни жумҳуриятдаги ҳокимиятни халқ ҳокимиятига айлантириш учун жалб қилишга интилиш ва барча бойликларни, ҳамма мавжуд имкониятларни жумҳуриятда яшовчи кишилар бахт-саодатига хизмат қилдириш лозим.

Ҳар қандай даражадаги сиёсатчи қарорлар қабул этишда эркин бўлиши керак, шундагина унинг сиёсати халққа манзур бўлади. Ҳа, дарвоқе, халқ сиёсат ортида турган аниқ кишиларни доимо кўради. Президент солиғи, Павловнинг пул ислоҳоти, Шаталин—Явлинский дастури дейишлари бежиз эмас.

— Ҳар қандай бўлганда ҳам бизнинг Иттифоқимиз сақланиб қолар экан ва Президент Горбачев унга бошчилик қилар экан, асосий сиёсат—Горбачевнинг сиёсати бўлади. Сиз бунга қандай қарайсиз!

— Менинг ССЖИ Президентига муносабатим ҳозир турмушимизда рўй бераётган воқеалар билан белгиланади. Горбачев қайта қуришни бошлар экан, ўз олдига айни вақтда жамиятимизни ҳам қайта тузиш ва партияни халқчил партияга айлантириш мақсадини қўйганига ишончим комил. Бу ишни у имкони борича тезроқ қилишга интилади. Аммо қайта қуришнинг аниқ концепциясига эга бўлмай туриб, пировард мақсадни аниқламай, жаранни қандайдир бошқичларга бўлмай туриб, бундай бепоён мамлакатни бир лаҳзада ўзгартириб бўлмас эди.

— Бироқ башарти Горбачев 3-4 йил муқаддам жумҳуриятларнинг мустақиллигини, хусусий мулкни тиклашни, ошкораликни ривожлантириш, ва шу кабиларни ўз ичига оладиган режаларини бироз бўлса-да ошкор этганида, ўз лавозимида қола олармики!

— Эҳтимол, қололмасди. У ишни ижтимоий тафаккурни тайёрлашдан бошлади. Дарҳақиқат, ўша шароитда ниятни охиригача ошкор этмасдангина шундай қилиш мумкин эди. Қисқа муддат ичида у одамларнинг фикрини бутунлай ўзгартириб юборишга муваффақ бўлди. Ҳар ҳолда унинг стратегик ҳаракат режаси бўлиши керак эди. Менинг назаримда, Горбачев жуда халқчил инсон, у ҳатто жуда зарур бўлганда ҳам қандайдир қаттиқ қарорлар, қабул қилишга мойил эмас. Оқибат натижада ақл-идрок тантана қилишига унинг ишончи комил.

Ўз тажрибамдан биламан, бундай лавозимда қанчалик кўп ўтирсанг, одамлардан шу қадар йироқлашиб қолар экансан. Гўё лавозим нақадар юқори бўлса, одамлар сендан шу қадар йироқ бўлади, деган қонун бордек. Ўз мисолимда бунини жуда яхши сезиб турибман. Модомики, сезиб турган эканман, демас, буни бартараф қилишга интиламан.

— Наврўз байрами вақтида Сиз бунга қандай интилаётганингизни кўрдим. Сиз узундан-узун нуқтар сўзламасдан, Тошкент бўйлаб юрдингиз, одамлар билан учрашдингиз: гурунлашдингиз, тингладингиз, рақсга тушдингиз, янги ресторанини очдингиз ва кўчат ўтказдингиз. Меҳмон бўлганим учун Сизнинг иш кунларингиз ҳақида бир фикр айтишим қийин.

— Байрамда халқ билан бирга бўлиш қийин



эмас. Қашшоқликка ва адолатсизликка дучор бўлган, шунинг оқибатида ҳокимият намоёндаларига тош отаётган кишилар билан учрашиш қийинроқ.

Очирини айтганда, конструктив оппозиция бизга ҳеч етишмаяпти. «Қарама-қаршиликларнинг кураши» бўлмаса, жамият ривожлана олмайди. Аммо бу кураш Конституция доирасида олиб борилиши лозим.

— Хўш, Ўзбекистондаги оппозиция, аниқроқ қилиб айтганда, кимлардан иборат!

— 1989 йил июнидаги Фарғона воқеаларига бизда ошқорча оппозиция йўқ эди. Халқнинг дилида шундай оппозиция зоҳир эди ва ҳар бир камбағал киши режимга нисбатан пинҳона оппозицияда эди. Бироқ 1989 йилнинг июнида Ўзбекистонда яшовчи халқлар бошига тушган фожиа ҳаммани ларзага келтирди. Мен ўзбеклар ва турклар ҳақидагина эмас, руслар, тожиклар, татарлар ва бошқа халқлар ҳақида ҳам гапирарман — ҳамма ўз келажига учун даҳшатга тушди. Жумҳуриятнинг аввалги раҳбарияти ҳам чўчиб, аввалига рўй берган воқеа ҳақида индамасликка, кейин эса унинг сабабларини ҳаспўшлашга уринди. Сиёсий бўшлиқ вужудга келди. Янги тузилган ҳаракатлар ва жамиятлар шу бўшлиқни тўлдирдилар.

— Хўш, ўзингиз бунга қай назар билан қардингиз!

— Энг ўткир масалаларни тезроқ ҳал этиш мушкул аҳволдан қутилишнинг бирдан-бир иложи эди. Биз ҳам имкони бўлган ҳамма ишни қилдик. Пахтанинг нархини оширдик, кейинги икки йил ичида томорқа ерлари миқдори 2,5 баравар кўпайтирилди, кам дармадли оилаларга ёрдам берилди, ўқитувчиларнинг маоши оширилди, тарихимизга, динга муносабат қайта кўриб чиқилди, анъаналар (ўзбеклардан бошқа миллатларнинг ҳам анъаналари) қайта тикланмоқда, яна кўп ишлар қилинди. Ана шуларнинг натижасида, назаримда, миллатнинг аксарияти ҳукуматга оппозицияда турмайдиган бўлиб қолди.

— Бироқ Ўзбекистондаги демократлар Сизни митинглар ва намойишларни ўтказишни тақиқлаб қўйишда ва шу тариқа уларнинг фуқаролик ҳуқуқларини бузишда айбламолар.

— Аввало, мен: интизомсиз ва тартибсиз демократия—демократия бўлмайди, деб ҳисоблайман. Афсуски, Тошкентдаги ҳар бир митинг ёки намойиш охири-оқибатда катта мушгашувларга, ўт қўйиш ва ур-йиқитларга айланиб кетар эди. Ростини айтсам, оппозициянинг намоёндаларини демократлар деб, бизни эса консерваторлар деб атаётганликка-

рига қўшилмайман. Агар инсон ўз атрофига халойиқни тўплаб, бошқа миллатларга нафратни тарғиб қилса, тарихни сохталаштирса, Буюк Туронни, яъни Темур замонларида барпо этилган давлатни тиклашга ёки барча муслмонларни бирлаштишга даъват этса, уни демократ деб атаб бўладими?

Тартиб ва интизом милициянинг ёрдами билан ўрнатилмасдан, балки одамлар онгига маҳкам сингиб кетган тақдирдагина демократия ҳақиқий демократия бўлади. Бундан ташқари, демократия ривожланган иқтисодиётга таяниши керак. Биз навбатларда бир-биримиздан қандайдир бўлакларни юлиб олсак, дилимизда қандайдир ҳайвоний ҳис-туйғулар уйғонса-чи. Қисқаси, жумҳурият Олий Кенгаши Ўзбекистон пойтахтида митинг ва намойишлар ўтказишни онгли равишда, «Тошкент шаҳри аҳолиси кўпчилигининг манфаатларига зид», деб тақиқлаб қўйди. Митингларни фақат ёпиқ биноларда ўтказишга ижозат берилди.

— Билишимча, рус тилида сўзлашувчи аҳоли бу қарорни қўллаб-қувватлади, бироқ ҳар ҳолда бундай тақиқлардан тоталитаризмнинг ҳиди келиб турибди.

— Тоталитаризм ва унинг кетидан келадиган авторитаризм унчалик жўн нарсалар эмас. Осн мамлакатлари, чунончи Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия ва бошқа мамлакатлар шу босқичлардан ўтишган. Мен бу мамлакатларнинг тарихини синчиклаб ўргандим. Улар ўз қайта қуришини иқтисодиётни халқли тус олдиришдан, хусусий ишбилармонликни ривожлантиришдан ва ажнабий капитални жалб қилишдан бошлаганлар ва шундан кейингина сиёсий соҳага халқчиллик руҳини сингдиришга ўтишган. Шу сабабли менинг эътиқодим қуйидагича: мутлақ иқтисодий эркинлик шароитида қатъий тартиб бўлсин. Биз ишбилармонликнинг ҳар қандай турини қўллаб-қувватлашга тайёрмиз, у фақат қонунийлик доирасида бўлсин ва жумҳуриятни ривожлантиришга кўмаклашсин.

— Шу билан бирга Ўзбекистон аҳолисининг 93 фоизи Иттифоқни ёқлаб, бинобарин, биргаликдаги ташқи иқтисодий фаолиятни ҳам ёқлаб овоз берди.

— Аҳоли янгиланган Иттифоқни ёқлаб овоз берди. Бундай Иттифоқда ҳозир мавжуд бўлган ташқи иқтисодий буйруқбозлик бўлмаслиги керак. Ўзингиз ўйлаб кўринг: яқинда Хитой билан бир миллиард швейцар франки миқдорига ўзаро мол етказиб бериш ҳақида шартнома тузилди. Бироқ жумҳуриятларнинг раҳбарларидан бирон киши ССЖИ ҳукумати бундай ваколатни бермаган эди. Бу пулга нималар ва ким учун сотиб олиншини ва жумҳуриятлар бунинг эвазига нима беришларини биз билмаймиз. Ҳар бир жумҳурият шундай кредитларни олиши керакки, токи бу қарзни ўзи уза оладиган ҳолатда бўлсин.

— Чамаси, суҳбатимиздан шундай хулоса чиқарса бўлади: жумҳурият даражасида Сиз ўзингизни давлат одами деб ҳис қиласиз, Иттифоқ даражасида эса бундай деб ҳис қилмайсиз. Шундайми!

— Мен буни ҳеч қачон ҳис қилган эмасман. Мени энди Иттифоқ учун жавоб берадиган одам қилиб кўрсатишга уринмоқдалар. Бироқ бу эски давлат тузилмаларига кўпроқ қонунийлик тусини бериш учун бир ниқобдан бошқа нарсаси эмас. Ҳозирча Федерация Кенгаши виқор билан лунжини тўлдириб гапиршидан нари ўтмаяпти, чунки унинг на мақоми бор, на ҳуқуқи. Бизда аввалига доимо бирон-бир муассаса ёки идоранинг таркибини белгилаш, сўнгра эса унга ваколатлар бериш одат бўлиб қолган.

Ю. РОМАНОВ олган сурат.

«Аргументы и факты» рўзномасининг 1991 йил 15-сонидан.



«Комсомольская правда» маълумотномаси

**«ШИМОЛИЙ ХУДУДЛАР»** — Итуруп, Кунашир, Шикотан ва Кичик Курил қатори (Хабоман) ороллари қиради.

**УМУМИЙ МАЙДОНИ** — қарийб 9 минг квадрат километр (Итуруп оролининг ўзи Люксембург, Монако, Таити, Сингапур ва Гонконг ҳудудларини қўшиб ҳисоблаганда ҳам катта).

**АҲОЛИСИ** — 25 минг кишидан кўп.

**МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ БУЛИНИШИ** — Курил (маркази Курильск) ва Жанубий Курил (маркази Южный Курильск) ноҳиялари.

**САНОАТИ** — икки босмаҳонани қўшиб ҳисоблаганда 6 корхона.

**ТОВАР МАҲСУЛОТИ ҲАЖМИ** — 110 миллион сўмдан кўп.

**1855 йил. САВДО-СОТИҚ ВА ЧЕГАРА Тўғрисидаги СИМОД ХАЛҚАРО ВИТИМИ.**

11-модда: «Бундан буён Россия ва Япония ўртасидаги чегара Итуруп ва Уруп ороллари орасидан ўтади».

**1875 йил. САНКТ-ПЕТЕРБУРГ ШАРТНОМАСИ.** Мазкур шартномага биноан Сахалин Россия империяси таркибига қўшилган. Урнига Япония Курил ороллари ва ҳаммасини олди.

«... ҳар ҳолда ҳаддан зиёд хотамтойлик қилиб юбордик, мужиклар айтганидек, «Хурмат юзасидан» уларга Японияга яқин беш-олтита оролни берсак бўларди. Биз эса, агар японларга ишонадиган бўлсак, эндиликда уларга йилга миллион даромад келтирадиган 22 оролни бердик. (А. Чехов, «Сахалин ороли»).

**1941 йил, АПРЕЛЬ. БЕТАРАФЛИК Тўғрисида СССР ва Япония ўртасидаги ВИТИМ.**

«1-модда: Аҳдлашувчи Томонлар ўзаро тинч ва дўстона муносабатда бўлишга, ҳудудий яхлитликни ва бошқа Аҳдлашувчи Томонларнинг дахлсизлигини ҳурмат қилиш мажбуриятини оладилар».

**1945 йил, АПРЕЛЬ. БЕТАРАФЛИК Тўғрисидаги ВИТИМНИНГ БЕКОР (ДЕНОНСАЦИЯ) ҚИЛИНИШИ.**

«... вазият тубдан ўзгари. Олмония ССЖИга ҳужум қилди, унинг иттифоқчиси бўлган Япония эса Олмонияга ССЖИга қарши урушда ёрдам бермоқда... Битим муддатини узайтиришнинг иложи қолмади...» (Совет ҳукуматининг Баёнотида).

**1945 йил, ИЮЛЬ-АВГУСТ. ПОТСДАМ КОНФЕРЕНЦИЯСИ.**

Қабул қилинган Декларацияга мувофиқ Японияга Хонсю, Хоккайдо, Кюсю,

Сикоку ва иттифоқчилар кўрсатган бошқа майда ороллари берилган.

**1945 йил, СЕНТЯБРЬ. И. В. СТАЛИННИНГ ХАЛҚА МУРОЖААТИ.**

«... 1905 йилги рус-япон урушида рус қўшинларининг мағлубиятга учраши халқ хотирасида оғир таассурот қолдирди. Бу мамлакатимиз тарихидаги қора доғдир. Халқимиз Япония тор-мор қилинади ва доғ ювилади, деб ишонарди ва кутарди. Биз, кекса авлод кишилари бу кунни қирқ йил кутдик. Ва ниҳоят шу кун келди. Бугун Япония ўзини мағлуб деб тан олди ва сўзсиз таслим бўлиш ҳақидаги актга имзо чекди. Бу Жанубий Сахалин ва Курил ороллари Шўролар Иттифоқига ўтади, деганидир»...

**1951 йил, САН-ФРАНСИСКО ТИНЧЛИК ШАРТНОМАСИ.**

Ушбу шартномага биноан Япония Курил ороллари ва Жанубий Сахалинга нисбатан бўлган барча ҳуқуқлари ва даъволаридан воз кечди.

«Бугун Япония билан «тинчлик шартномаси» деб аталувчи ҳужжат имзолангач, Сан-Францискодаги конференция (унда 50 дан зиёд мамлакат вакиллари қатнашган — И. К.) тугади. Шўролар Иттифоқи, Польша ва Чехословакия делегациялари американоликлар тикиштирган шартномани қатъий рад этиб, — ... мажлисда қатнашишмади» (ТАССнинг 8 сентябрдаги хабари).

**1956 йил, ССЖИ ВА ЯПОНИЯНИНГ ҚУШМА ДЕКЛАРАЦИЯСИ.**

«... 9. ССЖИ ва Япония Тинчлик Шартномаси тузиш тўғрисидаги музокара-ларини давом эттиришга келишди. Шўро Социалистик Жумҳуриятлар Иттифоқи Япония истагини инobatга олиб ва Япон давлатининг манфаатларини ҳисобга олиб Хабоман ва Сикотан (Шикотан — И. К.) ороллари ва Японияга беришга рози бўлди. Бироқ ушбу ороллари Японияга беришни фақат Тинчлик Шартномаси тузилгандан кейингина амалга ошириш мумкин...»

**1960 йил, ШҶРО ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ.**

Шўролар Иттифоқи Япония ва АҚШ ўртасида «хавфсизлик шартномаси» тузилганлиги муносабати билан Хабоман ва Шикотан ороллари билан берилганини маълум қилди. ССЖИ бир томонлама ҳукуматлараро битимни узди.

«1956 йилдан сўнг «шимолий ҳудудлар» тўғрисидаги шўро-япон музокара-лари ҳуқуқий аниқлаш-мовчилик билан йўрилган тошбақалар баҳсига ўхшаб кетди». (Ж. Стефан).

лар лой, меҳмонхонада шамол ҳуштак чалади. Сафарнинг бешинчи кунда каллага ватанпарварликка хос бўлмаган ноҳуш ўйлар келади: агарда 45-йилда Итуруп бизга ўтмаганида бу ерда ҳозир нима бўларди? Ҳақиқий шаҳар ял-ял ёниб турган бўлармиди: реклама, барлар, дўконлар, ресторо-ранлар, машиналар чироғи гужгон ўйнармиди. Худди икки қадам наридаги мен бир йил муқаддам бўлганим Хоккайдодаги сингари. Балки ҳақиқатан ҳам Итуруп бизники бўлмаганида ҳаммаси шундай бўларди.

**Бифоқ у бизники.**

**ШАМ ЕРУҒИДАГИ БАҲС**

Итуруп оролининг тақдири ҳал бўлаётган пайтда чироқ ўчиб қолди. Лекин ваҳимага тушишмади. Раис хотиржамлик билан сўради: «Ўртоқлар, кимда қандай таклиф бор?». «Шам топиб, давом эттириш» деган жавоб эшитилди қоронғуликдан. Мажлислар залининг деразаларини эса бўрон зириллатарди.

Курильск ноҳия Кенгаши-нинг сессияси етти соатдан

эса ТҚБ ишчиси Н. Боровиновнинг «Бегоналарни чақирамиз, ўзимизникилар эса ишсиз» деган мақоласини чоп этган.

**ВЛАДИВОСТОКЛИК** тарихчи олим В. В. Кожевников менга шўро-япон муносабатлари бўйича 1989 йил Саппорода ўтган симпозиум материалларини кўрсатди.

Жанубий Курилларни бериш Шўролар Иттифоқига қайси томондан фойдали? Бу японларнинг ССЖИ тўғрисидаги фикрини ижобий томонга ўзгартиради, иқтисодиёт, савдо, молияда кўмак кутишга умид тугдиради, Осиё Тинч океани минтақаси бозорига чиқишга шароит яратади. Ороллари беришдан Шўролар Иттифоқи қандай зарар кўради? У минтақадаги муҳим ҳарбий стратегик таянчдан маҳрум бўлади, Япония ва АҚШ ўртасидаги иттифоқчилик алоқаларига пона уролмади, социалистик мамлакатлар билан савдо-сотиқдаги чеклашлар туфайли гоёт мураккаб япон технологиясини олиши даргумон.

Саппоро тезислари тўғрисида узоқ гапириш мумкин. Тарозининг бир пал-

дан кўра келажакка даҳлдор таклиф беринг, яхлон бозорига чиқайлик, илгор технологияга эришайлик. Йўқ десангиз, американоликлар билан, австралияликлар ёки бошқалар билан келишамиз.

Седихнинг бундай ишонч билан гапиришининг боиси, умрининг чорак асрини шу ерда ўтказди, оддий селсарликдан мамлакатдаги йирик ва келажакдаги порлоқ бўлган, йилга 86 миллион банк чиқараётган (Фарангстон, Олмония, Греция, Шарқий Оврўпога экспорт қилади) комбинат директори даражасига кўтарилди. Унга ўхшаган «ашаддий»лар эса Шикотан ва Кунаширда Итурупдагига қараганда икки баравар кўп. Улар Шпанберг номли ва «Фрегат» жамиятларига бирлашиб, ороллари абадул-абад Шўролар қўлида сақлаб қолиш учун курашишмоқда.

... **ҲАР ИЛИ 7 ФЕВРАЛДА** Япония «Шимолий ҳудудлар кунини» нишонлайди. Ун нафар япон ўқувчисидан ҳаммаси ҳеч бир иккиланмай бу санани 1855 йилги тинчлик тўғрисидаги Симод шартномаси дейди. Ун нафар шўро ўқувчисидан ҳаммаси эса иккинчи жаҳон уруши тугаётганда ва «азалий рус ерлари қайтарилаётганда» японлар Шимолий Курилда яшаётганларига 70 йил, Жанубий Курилда истикомат қилаётганларига 90 йил бўлганлигини хаёлларига ҳам келтиришмайди.

Балки шунинг учун ҳам бир-биримизни тушунмаёт-гандирмиз?

**«АШАДДИЙ» БИЛАН МУЛОҚОТ**

— ... Сизни «ашаддий» деб аташаркан, — дейман. — Биламан, — дейди кулимсираб Пижьянов. Афтидан у бунга кўникиб кетган, шекилли. Дарвоқе, Фёдор Иванович ўзига ўхшаганларни бирлаштирган «Фрегат» ўлга жамиятининг раиси. У билан суҳбатга ҳозирланарканман, ўзимча роса даҳанаки «жанг» қилсак керак, деб ўйлагандим. Негаки, болалигимизда, мактаб партасида ўтирганимизда бизга қаҳрамон сифатида таништирилган Николай Хвостов ва Гаврила Давидовларнинг «Юнона» ҳамда «Авось» кемаларида бориб, узоқдаги ороллари Россияга қўшиш учун қилган жангу жадаллари ҳақида ўқиганимиз. Ким ўйлабди ўшанда, шоир Андрей Вознесенский томонидан улуғланган ватанпарварлар мисолида давлат сиёсати даражасига кўтарилган ёлгонни фош этишга тўғри келади деб.

Ахир 1871 йилдаёқ Императорлик Рус Жуғрофий жамиятининг ҳақиқий аъзоси А. Полонский афсус-надомат билан сипоҳилар Японияга бориб ҳеч нарсага эришолмаган Н. Резановнинг сўзига кирганларини гапиргани: «Резанов истагини бажарганлар унинг таклифи мутлақо асоссиз эканлигини билишарди. Негаки, таклиф фақат япон оролларида ҳужум қилишдан ва ҳамма нарсани қиришдан иборат эди. Аммо улар бўйсунушга мажбур эдилар. Шу чоққача эҳтимол руслар тўғрисида яхши фикрда бўлган японлар Хвостов томонидан талон-тарож қилинди. Аммо бундай муваффақиятлар ва Охотска олиб келинган ўлжалар аҳамиятсиз ва ҳаттоки шармандали ҳол эди. Японларнинг эса афтидан русларга бўлган ишончи бутунлай йўқолди»...

(Давоми 5-бетда)

## ТАЛАШ ОРОЛЛАР

бери «Балиқ овладиган майдонларни тартиб олиш ва қайта тақсимлаш» ҳақидаги масалани муҳокама қилаётганди. Балиқ эса ҳар бир итуруплик учун маош, уй-жой, истеъмол маҳсулотлари, болаларнинг келажак деганидир. Урушдан кейинги ҳар беш йиллик олдингисига қараганда камроқ қувонч бағишлаган: ов борган сари камаймоқда. Бугун биз бу ерда японлар 40-йилларда овлаган даражада қизил балиқ овлаш-миз. «Шонли меҳнатқаш балиқчи»нинг турмуш даражаси ҳам сўзсиз шунга яраша. Энди сессия қатнашчилари маъмурий-буйруқбозлик системасига қарши дадил бош кўтариб, муаммоларни бир зарб билан тугатишга қарор қилишганди. «Ўз» балиқчилари ноҳия бюджетини тўлдиришади, дўконларда эса энг тансиқ балиқ маҳсулотлари уюлиб ётади!

Кейинроқ ноҳия Кенгаши раисининг муовини В. А. Кашпрукдан «янги хўжайинлар» олдинги «мустамлакачи»лардан кўра яхшироқ бўлишларига қатъий ишончининг боисини сўрадим. Бунга кафолат борми?

— Бор, — деб ҳисоблайди Владимир Андреевич. — Ахир булар ўзимизнинг одамлар, курильсклик.

Нима ҳам дердим, дангалига айтилган гап. Лекин мен шу кунгача амал-тақал кун кечириб келётган кишиларнинг бирданига тадбиркор ишбилармонларга айланиб қолишлари мумкинлигини тушуна олмадим.

Мана, курильликлар халқаро майдонга ҳам тап тормай чиқиди. Шу ердаги меҳмонхонада кўз ўнгимда хитойлик маст қурувчилар жанжал қилишди. Улар билан шартнома маҳаллий ноҳия Кенгаши раиси А. И. Кучер ташаббуси билан тузилган. Хўш, бундан мақсад нима? Халқаро алоқалар бобида ўзини кўрсатишми? Хорижликлар меҳнатига балиқ билан ҳақ тўланади, ўз дўконларида эса ҳеч вақо йўқ. Ноҳия рўзномаси

ласига геологлар башорат қилаётган табиий бойликларни, иккинчи палласига эса бизнинг ана шу бойликлардан фойдалана олмаслигимизни қўйайлик. Қўшнларимизнинг ҳудудий сувларимизда ва 200 миллион минтақадаги ўғирликларини эса олайлик, ўзимиз ҳам режалари равишда денгиз захираларини қандай йўқ қилаётганимизни унутмайлик. Лекин гўёки икки давлатнинг ҳамкорлик қилишига тўсқинлик қилаётган «лаънати масала»нинг бунга нима алоқаси бор деб сўрашингиз мумкин. Бу хусусда ССЖИ ФАнинг Узоқ Шарқ бўлимига қарашли океанларни ўзлаштиришнинг иқтисодий ва халқаро муаммолари илмгоҳи директори Рафиқ Шаги Аъзамович Алиев ўз фикрига эга. Унинг айтишича, ҳамкорликка тўсиқ бўлаётгани «шимолий ҳудудлар» эмас, балки бизнинг турли вазнда эканлигимиздир. Мисол учун Японияга экспорт қилинаётган нарсалар орасида машина ва жиҳозлар бор-йўғи 1 (бир!) фоизни ташкил этаркан. Ҳозирги пайтда японларни хом ашё билан қўлга олиб бўлмайди...

Айрим иқтисодчи олимларнинг фикрича, ҳатто, ороллари «совга» қилганимизда ҳам мавжуд мувозанатда бирор бир ўзгариш бўлиши мушкул экан. Таниқли япон сиёсатдонни ва шўрошуноси Х. Кимуранинг фикрича, авваламбор ССЖИнинг япон бизнесменларини керакли маҳсулотлар, лойиҳалар билан таъминлай олмаслиги ҳамда валютанинг камлиги икки мамлакатни бир-бирига яқинлаштирмапти.

Демак, боши берк кўча экан-да?

— Йўқ, — дейди Шикотандаги «Островной» балиқ комбинатининг директори Лев Седих. — Фақат улар бизга эмас, биз ҳам уларга керакмиз. Японлар, бизга балиқ беринг, биз сизга не-таганча истеъмол моллари берамиз дейишяпти. Бунинг менга нима кераги бор? Ун-

Курильскнинг бош кўчасидаги лой ўтиб бўлмас ботқоқни эслатади. Қирқ уч йил муқаддам унга шаҳар мақоми берилганди. «Шаҳар»нинг аҳолиси нари борса уч минг, рисоладагидек йўлка ҳам йўқ. Мақомга мос келадиган ягона бино — уч қаватли «парт-Пентагон». Кечқурунлари у ердан тараладиган «Ой сонатаси» галати жаранглайди. Бу — ёшларнинг овози — улар янгилашни тўлқинида ноҳия-қўмдан икки қаватни «тортиб» олишди, энди учинчиси-га даъво қилишмоқда.

Кунаширдаги ноҳия Кенгаши раиси: «Мен Президентнинг ишчи назорати

тўғрисидаги Фармонини бажармайман. Хўш, бугун оромборларни қуришди, дейлик, ёзгача, сув йўли очил-гунча қандай яшаймиз? Ҳа, яшанг, мана шу оролда».

Шикотандаги банка фабрикаси тўхтаб қолган. Маҳсулот етказиб берувчи Куйбишевдаги завод — «почта қутиси» алюминий лента қара. Негаки, «қути»нинг ўзига Еревандан лак келмаган. Ереваннинг буортмани бажарилмаганига сабаб эса, фабрика директори айтганидек, «қитъада ҳамма нарса барбод бўлган».

Курильск дўконларидаги пештахталар бўм-бўш, клублар ҳувиллаб ётибди, кўча-



(Давоми. Боши 4-бетда)

# ТАЛАШ ОРОЛЛАР

Ўзбошимча элчининг ҳатти-ҳаракати тўрт йилдан сўнг акс-садо берди. Японлар «Диана» кемасининг капитани В. Головин ва экипажнинг бир қисмини тугиб олишти. Уларни орадан икки ярим йил ўтгачина қўйиб юборишти. «Шимолий ҳудудлар» бўйича таниқли мутахассис, «Курил ороллари» монографиясининг муаллифи Жон Стефаннинг гувоҳлик беришича, «Юнона» ва «Авос»нинг қароқчилиги, рус денгизчиларининг савдо-сотиқ манзилгоҳларини, дўконлар, кемаларни ёққанлиги туфайли японларда пайдо бўлган қаҳр-ғазаб ҳануз икки қўшни давлат муносабатларига таъсир кўрсатмоқда...

Биз эса ҳамон бу ўзар японларнинг ҳар бир шўро ўқувчиси учун ҳам икки қарра икки тўрт бўлгани сингари исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатни тушунолмасликларидан ҳайратланамиз. Қаранг, бутун дунёни автомобиллар-у ақл бовар қилмас электрон ўйин-чўқларга тўлдириб ташлашибди-ю, ҳудудий муаммага келганда нақ эс-ҳушларини йўқотишади. Биз эса шу кунгача ўзимизга жўнгина бир саволни беришни истамаймиз: Япония аҳолисининг аксарият кўпчилиги Жанубий Курилни қайтаришни талаб қилаётган экан, демак, уларда бунинг учун жиддий асос бордир? Қандай? Афсуски буни билмаймиз, билмаслигимиз билан ҳатто фахрланамиз. Пижьянов эса аксинча, кўп нарсаларни билишидан асло қийналмайди. У японларнинг даъвоси сустилигини кўрсатиш билан бирга, шўроларники бемаъни эканлигини ҳам исботлаб беради. Кейин эса буларнинг ҳаммаси майда-чуйдалар эканлигини айтади. Хўш, унда асосийси нима?

— Ўтган йил ёзда Кунаширга «гўрковлар» (ватандошлари қабрини зиёрат қилгани келган японларни шундай деб аташади — И. К.) келишганди, — дейди Пижьянов. — Улар орасида бир неча собиқ кунаширлик бор экан. Бу менга жуда қаттиқ таъсир этди.

Ўйлайманки, менга ҳам таъсир қилган бўларди. Аммо Пижьянов эзилиб ўтирмайди, аксинча ҳаракат қилади: Головинни қишлоғида — 600, Зелений оролида — 400, Тятино қишлоғида — 202. Шикотан оро-

лида — 56... япон қабри борлигини аниқлади. Бундай қабрлар жуда кўп. Биз келгунимизга қадар Жанубий Курилда 87 япон қишлоғи бўлган. Ҳозир эса бармоқ билан санарли даражада, қабристонлар ҳам қаровсиз қолган.

Иккинчи асос: «Шимолий ҳудудлар» муаммосини сталинчилик баттар авж олдириди, — дейди Фёдор Иванович. — Агар биз қирқ саккизинчи — қирқ тўққизинчи йилларда японларни кўчириб юбормаганимизда муаммо бунчалик кескин бўлмасди. Биз уларга нисбатан шафқатсизлик қилдик. Буни шўро кишилари билишлари керак.

Мен унга эътироз билди-ролмадим. Фақат бир нарсани айтишим мумкин: биз японларни деярли тўлиқ бир аср яшаётган жойидан ҳайдамай иложимиз йўқ эди. Бу Иосиф Виссарионович 1905 йилги Портсмут шартномаси туфайли қаттиқ ранжитилганидан сўнг, мамлакат ичида бутун-бутун халқлар кўчирилган ёки ҳайдалганидан сўнг ва ниҳоят оролда синфий онг галаба қозонгач, виждон ҳам озми-кўпми даражада қувғин қилинган, японларни ҳайдамаслик кўрлик бўлурди.

Биз ҳукуматлараро битимларни енгилтаклик билан бузган бир пайтимизда инсон ахлоқига зид иш қилмай иложимиз йўқ эди. Мен 1941 йил 13 апрелда имзоланган ССЖИ ва Япония ўртасидаги бетарафлик тўғрисидаги Битимни назарда туташман. Айрим шўро тадқиқотчилари уни таҳлил этишни унчалик хуш кўришмайди. Олифтагарчилик қилмоқчи эмасман-у, аммо ушбу мақолани тайёрлаётган каминга япон тадқиқотчиларининг нима учун ушбу ҳужжатга ёпишиб олганларини тушуниб етдим. Ҳа, ўша урушда уларнинг мамлакатни беозор қўй сингари эмасди. Бироқ Битимни ҳар ҳолда улар эмас, биз бузганмиз, ҳужумни ҳам улар эмас, биз бошлаганмиз. Мактабда ўқиган гапларимизни бир эсланг, у томонга бурсанг ҳам, бу томонга бурсанг ҳам барибир ўша қисқа урушга ҳам, шунингдек, Ялта ва Потсдам

битимларига ҳам соя ташлайди...

Мен дарровда у томондан бу томонга ўтиб, кечагина оқ бўлиб кўринган нарсани бугун қора демоқчи эмасман. Ҳа, биз қирқ бешинчи йилда бетарафлик Битимини буздик, аммо Бундан қирқ йил олдин японлар ҳам XIX аср дипломатияси қурган тинчлик уйини вайрон қилиб, боққинчилардек ҳаракат қилишганди. Ҳа, биз Сан-Франциско Шартномасини имзоламаганимиз, ўша пайтда рўзнамаларда, ҳатто роса қоралаганимиз ҳам уни. Лекин Япония 1951 йилда, кимнинг фойдасига бўлмасин, барибир Курил оролларига бўлган ҳамма ҳуқуқларидан воз кечганди-ку. Ҳа, биз яна бир марта Шикотан ва Хабоман ороллари бериш тўғрисидаги ваъдамизни бажармадик. Аммо бунга 1956 йилда Қўшма декларация имзолангач, янги-янги ҳудудий даъволар билан чиққан Япониянинг ўзи айбдор эмасми?

Қарши далилларни истаганча келтириш мумкин. Аммо 1956 йилда туғилган каминга сталинча буюк давлатчилик инжиқликларига жавоб беришни истаганимиз сингари хоккайдоллик тенгдошим ҳам рус-япон урушида боболарининг хоинона бостириб киришларига жавоб беришни истамаса керак.

Хўш, тарихий ҳақиқат бизга нима беради?

Энг асосийси, менимча, ўз-ўзини ҳурмат қилишни ўргатади. Бу бизнинг чексиз, кўпмиллионли навбатимиздаги энг тақчил маҳсулотдир. Аммо худди шу нарса кунаширлик «ашаддий» Фёдор Иванович Пижьяновда бор.

— Нима учун, — сўрайди у мендан, — биз ватанпарвар сўзини аксарият ҳолларда қўштирнонда ёзадиган бўлиб қолдик?

Курилда ярим кечада ҳам қоронғу кўчада ҳеч бир ташвишсиз юриш мумкин.

\*\*\*

Борис Ельцин Кунаширда бор-йўғи бир неча соат бўлди: яқинлашиб келаётган тўфон ҳалақат берди. Бироқ шунинг ўзи ҳам «шимолий ҳудудлар» тўғриси-

даги қитъада пайдо бўлган тасаввурни ўзгартириш учун етди. Россия бошлиғи, гувоҳларнинг айтишича, гўзал ороллари ҳеч қачон бермаслигини айтган. Тўғри, Борис Николаевич жаннатмакон Крабова бўғозидан ўн дақиқалик йўл бўлган Кунаширдаги харобаларни ёхуд Шикотандаги ахлатхонани кўргани йўқ.

\*\*\*

Ноҳия ҳокимлари «шимолий ҳудудлар» амалий сиёсат мавзусига айлангач, боғ-ҳовли қуриш иштиёқ-майдлари кескин кўпайганини қайд этишти. Кунашир каттақон қурилиш майдонига айланган. Шикотан теплицалар билан қопланган. Ҳатто тарвуз етиштиришни орзу қилганлар ҳам бор. Одамлар Ватан атрофидаги тортишуларга беихтиёр (балки онгли равишдадир) жавобан саҳоватли ерга қаттиқроқ ўрнашиб қолишга интилишмоқда.

## ҲЕЧ КИМ КЕТИШНИ ИСТАМАГАНДИ

Ж. Стефаннинг маълумотларига қараганда, 1939 йилда Курилда 18282 киши яшаган. Уларнинг 80 фоизи Итуруп ва Кунаширда. Иккинчи жаҳон уруши туғанада японларнинг тўртинчи авлоди шу ерда туғилиб, яшаб, ўлаётганди. Уларнинг ҳаммаси битта қўймай, ўлганлар бундан мустасно, қирқ саккизинчи қирқ тўққизинчи йилларда кўчирилган.

Ираида Петровна Махонкова 70 ёшда. Курильскда яшайди. Асли Чувашистондаги Троицкий Посад қишлоғидан. Сипоҳи, ногирон ва биринчи жаҳон урушида ҳарбий асир бўлган отасини ўттиз учинчи йилда олиб кетишганди. Бироқ нимадир бўлган ва у орадан бироз ўтгач, бир йилдан сўнг, бандаликни бажо келтириш учун уйига қайтган. 46-йилда азоблардан қутулиш учун Оролга келган. Японларни ҳам шу ерда биринчи бор кўрган. Ҳаёт ҳаёт экан-да, тинч-тотув, аҳил турмуш кечирарди. Бир сафар эри қаттиқ бетоб бўлганида япон шифокори даволаганди. Онакеси деган аёл билан опа-сингилдек бўлиб қолганди, бир-бир-

ларининг болаларига қараб туришарди.

— Японлар, бу ердан кетишни истамаганди, — дейди у. — Яшириниб олишарди, ҳар бурчакдан топиб туришарди. Бир қизни тугиб, пахмоқ пальтога ўраб боғлашди. Қиз бечора пальтони тугиб ташлаганди. 104 ёшли чол менга қараб алам билан гапирганди. Мен уни тушунаман. Хайрлашаётиб ҳаммамиз йиғлагандик. Онакосини ўпиб қолгандим...

Мен шўро-япон дипломатик матоси қандай илдан тўқилганини билмайман, шунингдек, Президентимиз Токнога қандай таклиф билан бориши ҳам менга қоронғу. Аммо турли даражадаги японлар билан учрашувлардан шу нарса маълумки, улар ҳам Жанубий Курилда яшаётган учинчи авлод фуқароларимиз келажагидан ташвишланаётганимизни тушунишади. «Агарда Япония ороллари қайтаришни талаб қилаётган япон жамоатчилигининг фикрини ССЖИ тушунишини истаса, ўз навбатида Япония ҳам рус жамоатчилиги урушда улкан қурбонлар берганлигини унутолмаслигини ҳамда уни даҳлсиз, деб ҳисобловчи нарсдан ажралишни истамаслигини аниглаши керак», — дейди бетараф ҳинд тарихчиси С. Вишванатхан. Мисол учун В. В. Шчербаковни олайлик. Бир вақтлар қурилишда ишлаб 600-700 сўм оларди. Ҳозир қишлоқ хўжалиги ширкати раиси бўлса-да, ҳеч вақога эга эмас. Ба-лиқ заводи билан жанжаллашгани-жанжаллашган. Лекин у ҳам кетишни истамайди. Негаки, ўзиники-да.

«Шимолий ҳудудда» иш-ёқмас иқтидорли бошлиқлар ҳам, ашаддий бозорчи бўлган собиқ аппаратчилар-у, аппаратчига айланган янги демократлар ҳам, ақлли ҳарбийлар-у бефаросат ишчилар (ва аксинча) ҳам бор. Бироқ айнан ана шу кишилар — бошқа ҳеч ким эмас — мамлакатимизни ҳалокатдан қутқариб қолишлари мумкин. Японлар, Жанубий Курия ёки Худо кўмагидами, барибир фақат ўзимиз бу ишнинг уддасидан чиқишимиз мумкин.

Игорь КОЦ,

(«Еш ленинчиларнинг 1991 йил 16 апрель сонидан».)



— Эл ҳақида қайғурадиган кишилар билан ҳамкорлик осойишталик таъминлашида муҳим ўрин тутати, — дейди Тошкент тумани ИИБ участка вакили милиция капитани Абдумалик Ҳасанов. Сураткаш мухбиримиз Ҳабибулла Шодиев уни жамоат тартибини сақлашда ўзига елкадошлик қилаётган кишилар даврасида суратга туширган.

## РЕЖАСИ ПУЧГА ЧИКДИ

Жумҳуриятимиз ҳудудидан ноёб молларни олиб чиқиб кетишга уриниш ҳолларини аниқлаш давом этмоқда. Қорақалпоғистон жумҳуриятининг Хўжайли туманида ҳайдовчи А. Ходарчанов бошқарган «КамАЗ-54112» белгилли 02-16 ХЗЛ рақамли автомашина тўхтатилди. Милиция ходимининг тўхташ зарурлиги ҳақидаги ишораси унинг 5 тонна дудланган балиқ ва 3 тонна сут маҳсулотини пинчо-

на Туркменистонга элтиш режасини пучга чиқарди. Жиззах вилоятининг Галлаорол туманида Эстония жумҳуриятидан келган меҳмон ҳайдовчи В. Мурин билан қилинган сўхбат чоғида у «КамАЗ» белгилли 77-80 ЕАБ рақамли машинасида ҳозир анқонинг уруғи ҳисобланган автомобиль эҳтиёт қисмларидан 35,5 минг сўмлигини ортиб кетаётганлиги маълум бўлди. С. СУЛАЙМОНОВ.

# УЯТ ЎЛИМДАН ЁМОН

Терговчи қаршисида ўтирган 23 ёшли Муҳсин Аҳмадалиевни танийдиганлар у ўғри эканлигига дастлаб ишонинмади. Чунки у доимо ҳамқишлоқлари орасида ўзини қўй оғзидан чўп олмага беозор кишидек кўрсатарди. Дўшидек кичик бу қишлоқда қисқа вақт ичида содир бўлган ўғирликлар ҳаммаси Муҳсиннинг иши эканлиги кимнинг ҳам хаёлига келибди дейсиз.

Жабрдийдалар дастлаб бу ерда бўлаётган нохуш воқеалар ҳақида милиция бўлимига ёки участка вакилига хабар қилмадилар. Аксинча, ўзаро шов-шув кўтаришиб, яна жимиб қолаверинди. Уларнинг бепарво ва лоқайдлиги киши билмас ўғрини янги «зафарлар»га чорлайверди. Шунинг учун ҳам тажрибасиз анча-мунча оғиб қолган Муҳсин бора-бора каттароқ «ўлжалар» хонадонларини мўлжалга ола бошлади.

Ниҳоят... кўза синди. Шу йил 12 февраль кун Риштон тумани ички ишлар бўлимига Чек Насриддин қишлоғида яшовчи Г. келиб, уйига ўғри тушиб, бир қанча буюмларини умариб кетгани ҳақида хабар берди. Милиция ходимларининг қисқа вақт ичида олиб борган ҳаракатлари ўз самарасини берди.

Жиноятнинг исботловчи далиллар олдида бош эгган Муҳсинга қилмишларини сўзлаб беришдан ўзга чораси қолмади. Тергов вақтида аниқланишича, М. Аҳмадалиев 11 февраль кун ярим тунда О.нинг уйида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, дераза орқали ичкарига кирди ва аёллар пальтоси, рўмол (жами 634 сўмлик) буюмларини ўғирлаб кетган. Уларни Қўқон шаҳридаги чайқов бозорида пуллаб юборган. Харидори топишмай қолган пальтони бўлса кимёвий тозалаш це-

хига топшириб, қиёвония олган (тергов жараёнида бу кийим ўз эгасига қайтарилди).

Сўроқ вақтида Муҳсин булбулигўё бўлиб кетиб, содир этган яна тўртта ўғирлигини «мароқ» билан сўзлаб берди. Буларнинг ҳаммаси фуқароларнинг шахсий буюмларини ўғирлаш билан боғлиқ бўлган жиноятлар эди.

М. Аҳмадалиев қилмишига яраша жазосини олади, албатта. Лекин шу ўринда савол туғилади. Агар ўша жабрланувчилар вақтида милицияга хабар берганларда бориб, Муҳсин қатор ўғирликлар содир этишга журъат эта олардимини?!

Тожиали МАМАДАЛИЕВ, Риштон тумани ИИБ терговчиси, милиция лейтенанти.

Эминжон ОБИДОВ, «Постда»нинг жамоатчи мухбири.



# ЙЎЛ ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

## ҚОЧИБ

### КЕТМАГАНДА ЭДИ...

Шу йилнинг январда хизмат автомашинасини бошқариб бораётган «Узкоопстроймонтаж» трести ҳайдовчиси Қудрат Икромов Политотдел-Жумабозор-Красногорск йўлининг 6-километрида 43 ёшли Василий Кимни уриб юборди. Қудрат жабрланувчига ёрдам кўрсатиш ўрнига қочиб кетмаганида, эҳтимол Василийнинг умрига зомин бўлмасдими?

\*\*\*

1961 йилда туғилган ҳайдовчи Н. Ҳтабев ҳужалик ҳисобидаги автотранспорт корхонасига қарашли «ГАЗ-53» белгили 60-28 ТШМ рақамли машинада «Прогресс» совхозини — 2-бўлим — Белсенди йўлининг 8-километрида 26-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси Д. Туроповни уриб юборган. Ҳусмир касалхонага олиб келинаётганда оламдан ўтган.

## ҚОИДАГА БЕПИСАНДЛИК ОҚИБАТИ

«Январь» ширкатининг тафтишчиси Ботир Тўраев рулини тутган «ВАЗ-2106» белгили У 38-58 ТШ рақамли автомашина Бектемир-Водний тармоғи — Ғазалкент йўлининг 2-километрида ағдарилиб кетди. Йўловчиларнинг тўрт нафари жарланди, биттаси ўша жойдаёқ ҳаётдан кўз юмди.

## ШИШАДАГИ ОҒУ ПАНД БЕРДИ

88-75 ТША рақамли «М-412» белгили машинани ширакайф бошқариб бораётган А. Луманскийнинг Бектемир-Ғазалкент йўлининг 24-километрига етганда кайфи тарқалди. Ағдарилиб кетган машина йўловчиси Л. Шугерова оғир тан жароҳати билан касалхонага ётқизилди.

«Правда» жамоа хўжалиги ходими Б. Мирзабоев ҳам шахсий «ВАЗ-2106» белгили Л 52-06 ТШ рақамли автомашинасини маст ҳолда бошқариётган. Янгибозор-Арғанчи-Мамут бурилишида йўл қолиб, четни кўзлади. Қулаб тушган машинадаги ўзи ва шериклари Қ. Рўзматов, Ҳ. Эшматовлар тан жароҳатлари билан касалхонага ётқизилди.

## В. ЗАПОРОЖСКИЙ.

Суратларда: автофалокатга дучор бўлган транспорт воситалари.

Суратлар муаллифи Боқижон ХОЛМИРЗАЕВ.



## ҚИЗЛАР СЎРАЙДИ

Муҳарририятимизга қунига кўлаб хатлар келади. Даста-даста мактубларни кўздан кечирар эканмиз, хат-жидди устида қизларнинг исми битилган номаларни ҳам учратамиз. Улар бизга фикр ва мулоҳазаларини билдириш билан бирга ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб сўрайди.

**САВОЛ:** милиционер хотин-қизлар ҳақида айримлар салбий фикр билдиришади, нега шундай? Сўрашимнинг сабаби шундаки, бирдан-бир эзгу ниятим осойишталик посбони бўлишдир. Менга маслаҳат беринг.

**Ш. ЙҮЛДОШЕВА,**  
Наманган вилояти.

**ЖАВОБ:** ҳақиқатдан ҳам «милиция иши аёлларга хос эмас» дейдиганлар топилади. Лекин милиция формасидаги хотин-қизлар қонунбузарликка қарши кураш олиб боришда фаол иштирок этмоқдалар.

Ҳозир жумҳуриятимиз бўйича 1621 нафар аёллар ички ишлар идораларида хизмат қилмоқдалар. Уларни тергов, суриштирув, криминалистика, баҳолатга етмаганлар иши бўйича давлат автомобиль ва ёнғиндан сақлаш назориятларида учратиш мумкин.

Модомики Сиз ҳам шундай ходимлар қаторидан жой олишни орзу қиларкансиз, бу ҳақда ўзингиз ишаб турган вилоятдаги ички ишлар бошқармасининг кадрлар бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин.

**М. ИБРОҲИМОВА,**  
«Постда» мухбири, милиция лейтенанти.

\*\*\*

**САВОЛ:** жумҳуриятимиз ҳудудидаги қайси ўқув юрларида ҳуқуқшунослар тайёрланади?

**Ф. САМАТОВА,**  
Самарқанд шаҳри.

**ЖАВОБ:** жумҳуриятимиз шаҳарларида жойлашган Тошкент (К. Маркс кўчаси, 35), Самарқанд (М. Горький хиёбони, 86) ва Нукус (Университет кўчаси, 1) Давлат дорилфунунларининг ҳуқуқшунослик куллиётларида шу соҳа бўйича мутахассислик сирларини эгаллаш мумкин. Бундан ташқари Тошкент олий (Интизор кўчаси, 68) ва ўрта махсус (Муродов кўчаси, 3) милиция мактабларида ҳам ички ишлар идораларида ишлаш учун ҳуқуқшунослар тайёрланади.

**Х. ҲИҚМАТОВ,**  
ЎзССЖ ИИБ кадрлар бошқармаси бўлими бошлғи, милиция майори.

\*\*\*

**САВОЛ:** Нима учун олий ва ўрта махсус милиция мактабларида ўқувчи қизлар жуда кам? Умуман ушбу илмгоҳларга киролмай армонда юрганлар имтиҳон топириш пайтида нимадан қийналишади?

**Ш. ТЕМИРОВА,**  
Наманган вилояти.

**ЖАВОБ:** Олий ва ўрта махсус милиция мактабларида ўқувчи қизларнинг камлигига сабаб шундаки, улар кўпроқ дорилфунунларининг ҳуқуқшунослик куллиёти, ҳуқуқшунослик техникуми каби бошқа илмгоҳларни танлашади.

Махсус милиция мактабларига ўқишга киролмаётганлар эса дарсларини яхши узлаштира олмаган ёшлардир. Бундан ташқари баъзилар махсус тиббиёт кўригидан, жисмоний тайёргарлик бўйича синовдан ўта олмайди.

**Р. ТУРСУНАЛИЕВ,**  
ЎзССЖ ИИБ кадрлар бошқармаси катта инспектори, милиция майори.

Шамсия опаси ва янгалари билан учрашувга борди. Иккаласи ҳам бир-бирига ёқиб қолганди. Аммо Шамсиянинг кўнгли гаш эди. Йигитнинг касби унга ёқмади, чунки у доирачи экан. Тўғри доирачиларнинг ичида ҳам ҳалол, пок инсонлар кўлаб топилади. Шундай бўлса-да...

Иккинчи марта учрашганларида Шамсия унга бу касбни ташлаб, бошқа ишнинг бошини тутсангиз яхши-ку, деди. Бўлажак турмуш ўртоғи рози бўлди. Тўй ҳам ўтди. Лекин эри кунора тўйга кетар, ярим тунда маст-аласт кириб келарди. Келинчақ кўёвга тўйдан олдинги ваъдасини бир неча бор эслатди. Аммо эри: «Бўпти, яқинда бошқа ишга ўтаман» — деб қутиларди. Бир сафар эса даста-даста пулни унинг олдига отиб юбориб бақирди: «Бу пулни фақат мен топа оламан. Бир кунда. Қора ишчилар уни йилдаям ишлаб топа олмайди».

Шамсияни бир кун дугонаси тўйга таклиф этди. Эри иши борлигини баҳона қилгач, ёлғиз ўзи жўнади. Тўйга бормай ҳам ўлсин. Ярим яланғоч раққоса ўртада чарх урар, кўзлари сузилган эри ортидан қолмай доира чертар, ундан нигоҳини олмасди. Тўй тугагунча Шамсия бир чеккада қимирламай ўтирди. Зимдан эрини куза-

тарди. Базм охирлагач, «санъаткорлар» кетиш ҳаракатига тушишди. Эри ҳалиги раққосани қўлтиқлаб, машинасига етаклади. Машина ўрнидан қўзғалгач, Шамсия ногоҳоний куч таъсирида уларнинг орқасидан йўлга тушди. Кўнгли ниманидир юз беришини сезарди. Ун минутча юргач, йўл четидаги дарахлар орасида турган машина-

Бир куни опаси меҳмонга кетиб, Шамсия уйда ёлғиз қолганди. Кечқурун эшик жириглади. Не кўз билан кўрсин-ки, остонада Содиқ турарди.

олдига тез-тез келадиган одат чиқарди. Ҳар сафар унга севги изҳор қилар, хотиним ва болаларимдан безорман, сенга уйланаман дерди. Шамсия унга рад жавобини берарди. Бир куни опаси меҳмонга кетиб, Шамсия уйда ёлғиз қолганди. Кечқурун эшик жириглади. Не кўз билан кўрсин-ки, остонада Содиқ турарди.

Кунларнинг бирида... эшик зарб билан очилди. Остонада Содиқнинг хотини ва онаси турарди. Уларни кўрган йигит кийимларини ҳам йиғиштириб олмасдан деразадан сакради. Аламзада аёллар ярим яланғоч, жонсиз, ҳиссиз ўтирган жувонни ура кетдилар. Шовқин-суронга қўшнилари йиғилди. Қайдандир онаси ҳам етиб келди... Ярим кечаси ҳамма ухлагач, у бу уйдан ҳам чиқиб кетди. Ўзини алдаганлардан қасос олиш учун бошқа эркакларни алдай бошлади. Уйига умуман бормас, тўғри келган жазманинида яшаб юрарди. Уни меҳмонга чақирувчилар, сийлагувчилар анча эди. Бир кун ресто-рандан ширакайф ҳолда чиқаётганида милиция ходимлари ушлаб, тери-таносил диспансерига текширишга олиб боришди. Текширилгач, унда захм касали борлиги аниқланди ва даволаниш учун ётқизилди.

Халқимиз бургага аччиқ қилиб, кўрпага ўт қўйма, деган ҳикматли гапни бекорга айтишмаган. Шамсия ҳам бировларга аччиқ қилиб, ўз бахтига зомин бўлди. Касалхонадан чиққандан кейин унинг уйли-жойли бўлиб, тинчгина яшаб кетишига одамнинг ишонғиси келади. Бу унинг ўзига боглиқ.

Шовқидин САМИЕВ.

## БУРГАГА АЧЧИҚ ҚИЛИБ

га кўзи тушди. Ўзлариники. Секин юриб бориб, эшикни шахд билан очди ва бақириб юборди. Каловланиб қолган эри унинг оёқлари остига ўзини ташлаб кечиргин, дея илтижо қилар, бошқа касб этагини тутмасам, отимни атама, деб қасам ичарди... Кўнгли бўшлиқ қилди. Унинг гуноҳидан ўтди. Аммо эри тагин сўзининг устидан чиқмади. Ярим тунда гандираклаб келиши давом этаверди. Сўнг Шамсия уйдан кетди...

Нега келдингиз? Қўшнилардан уялмайсизми? Ҳозироқ кетинг.

— Майли, кетаман. Фақат сизга бир оғиз сўзим бор. Шунга айтиб олай.

Содиқ ичкарига киргач, уни севишини, усиз туролмаслигини айта туриб, жувонни бағрига босди. Шамсия аввалига биров қаршилик қилгандай бўлди, эрини ўйлади ва унга аччиқ қилиб ихтиёрини топширди. Шу кун Шамсия кимдандир ўч олиш учун ўзининг нопок йўлга кириб кетаётганини сезмай қолди. Бу унинг илк хатоси эди. Шундан сўнг Содиқ уникига тез-тез келадиган одат чиқарди.



# СУДГАЧА ЕТТИ ЙИЛ, УНДАН КЕЙИНЧИ?

Ниҳоят Аҳмаджон Одилов суд қилнадиган кун белгилади. Бир неча йил бурун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, кўш-кўш Ленин орденлари соҳиби бўлган бу таниқли одамнинг номи Поп агросаноат бирлашмаси бош директорининг шавкатли фаолиятини ёритган рўзнома ва мажаллалар мақолаларидан жиноятчилик ҳақидаги олди-қочдиларга кўчиб ўтди. Ана шу вақт мобайнида ҳатто «одиловчилик» деган атама ҳам дунёга келиб, у турғунлик разолатининг қандайдир тўғри солига айланди. Мана энди — суд. Мухбиримиз бошланаётган суд ҳақида ССЖИ Олий судининг жиний ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси С. Б. Ромазин билан суҳбатлашди.

— Кўз ўнгимизда шўро қозичилиги тарихидаги ноёб воқеалардан бири юз бераётганга ўхшайди...

— Бутун ҳуқуқчилигимиз номидан бир нарса дейишим қийин, шахсан ўзимнинг тажрибамда бундай суд — биринчи. Ҳолбуки Олий суд даргоҳида ишлаётганимга йигирма йилдан кўпроқ вақт бўлди. Одилов ва яна тўрт нафар айбланувчининг жиний иши нимадан иборат? У 25 минг варақли 130 жилдани ташкил этиб, ишда 70-80 йилларда содир этилган жиноятларни пидан игнасиғача текшириб чиқилган. Иш бўйича 92 жабрланувчи, 842 гувоҳ бор. Унинг қўлами ниҳоятда катта. Шунинг учун жараёнга раислик қилувчи Анатолий Михайлович Бризицкий елкасига қандай оғир юк тушишини тасаввур қилиб турибман. Олти йилдан иборат айблаш ҳулосасини ўқиб чиқишнинг ўзигагина бир неча кун вақт кетади. Табиийки, суд бир неча ойга чўзилади. Айтиш мумкинки, у уч босқичга бўлинади. Мажлиснинг биринчи қисми Масковда ўтади, кейин қозилар Тошкентга қараб йўл олишади. Ахир, деярли барча гувоҳ ва жабрланувчилар Ўзбекистонда яшади. Судга нуқта эса Масковда қўйилади.

— Кўп серияли бу жараён қанчага тушади?

— Энг камида 40 минг сўмга. Бироқ ҳисобчилар бу миқдорни январь ойида айтишганди. Апрель харажатларни ифодалаган рақамларни кескин ўзгартириб юборди. Ўз-ўзидан равшанки, жараённинг қиймати ҳам ўсади.

Қарангки, шу пайт бошқа рақамлар ҳам ёдга тушиб қолди. Одиловни ҳибсга олиш чоғида унинг мол-мулки 1.090 сўм деб хатланган. Ваҳоланки, у ялпи миқдори 1.137.729 сўмлик

маблағни талон-тарож қилишда ва талон-тарожда иштирок этишда, шунингдек, 641.600 сўмлик пора олишда айбланмоқда. ССЖИ Бош прокурори ҳузуридаги ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчи Борис Евгеньевич Сви́дёрский олиб борган терговда Одилов томонидан 100 га яқин пора олиш ва бериш ҳолатлари

## ШҲРО ҚОЗИЧИЛИГИДАГИ УТА ШОВ-ШУВЛИ ЖАРАЁНЛАРДАН БИРИ БОШЛАНМОҚДА

қайд қилинган. Шу иш бўйича айбланаётган унинг укаси Мўминжон бу кўрсаткичлар бўйича акасидан уч марта орқада қолди.

— Суд жараёни давомида шубҳасиз тил муаммоси кўндаланг бўлади. Балким халқ маслаҳатчилари масаласи ҳам мураккаб бўлса керак?

— Суд жараёнида уч нафар таржимон хизмат кўрсатади. Қонда мувофиқ суд иши рус тилида юритилади, гувоҳлар ва айбланувчилардан икки тилда сўралади.

Маслаҳатчилар борасида Сиз ҳақсиз: анчагина мураккаблик бор. Бу фақат бошланаётган жараёнгагина тегишли эмас. Масалан, Ленинград шаҳри туманларидаги судлар уллар билан 50 фоизга, Масковда — 70 фоизга таъминланган. Бунинг натижаси ўлароқ баъзи судларнинг фаолияти издан чиқмоқда. Ушбу жараёнга ҳам маслаҳатчиларни узоқ изладик. Уч кишини (Ўзбекистон, Тожикистон ва Масков вилоятдан) танладик. Иккитаси суд мажлисида иштирок этади. Учинчиси зарурат туғилганда, уллардан бирининг ўрнини босади.

— Раислик қилувчи суд жараёнига қандай тайёргарлик кўрди?

— Э, бу алоҳида бир мавзу. 51 ёшли Анатолий Михайлович Бризицкий — ўз ишини аъло даражада биладиган қози. Унинг хизмати давомида моҳирлик билан ўтказилган жараёнлар оз эмас. Бироқ бу сафар ҳатто унга ҳам осон кечмайди. Чунки, 139 та жиний ҳолат, ахборот қўлами улкан, қанча гувоҳлар бор, жабрланувчилар эса 90 дан ортиқ. Бризицкий бир неча ой иш билан танишди, унга иккита ёрдамчи кўмақлашди. Бу мураккаб жиний ишда йўл кўрсатувчилик қиладиган каттадан-катта қозоқ лахтаклари жиноятларнинг ҳар бир детали билан тўлиб-тошган. Суд жараёни тийёрлашга том маънода қаттиқ меҳнат сарфланди. Жараённинг ўзи эса ҳали

олдинда. Судни қандай мураккабликлар кутаётгани ҳақида ўша киши, яъни Аҳмаджон Одиловнинг шахсан ўзи: «Тергов йиққан деярли ҳамма нарса, ҳамма нарса қабиҳ ёлгон эканлигини исботлайман», — деб огоҳлантирди.

— Судланувчиларнинг ҳуқуқи етарли даражада таъминланганми?

— Қонун судланувчиларга қафолатлаган барча ҳуқуқлар сўзсиз бажарилади. Масалан, ака-ука Одиловларни уч нафар оқловчи ҳимоя қилади. Ишончим комилки, суд процессуал нормалардан заррача чекинмайди ва охир-оқибат фақат адолат тантана қилади.

— Бироқ, афтидан, тергов айбланувчиларни ҳибсда сақлашнинг барча кўзда тутилган муддатларини бузди. Улар судни кутиб, тергов қамоқхонасида деярли етти йил ўтиришди.

— Дарҳақиқат, ССЖИ Бош прокурори ва унинг ўринбосари тергов муддатини 16 марта узайтирди. Прокуратуранинг қораламоқчи эмасман, бунга ҳақим ҳам йўқ. Зеро уллар нафақат аниқ жиний белгилари бўлган, балки Одилов қўл остидаги кишиларнинг айрича ўзаро муносабатлари билан боғлиқ ўта мураккаб

ишга дуч келишди. Таасуфли томони шундаки, қонунчилигимиздаги камчиликлар туфайли охирги идора сифатида ССЖИ Олий Кенгаши Ҳайъати судгача одамларни ҳибсда сақлаш муддатларини чўзиб борди, лекин унинг сўнги чегарасини эса белгиламади.

— 1984 йил августида Аҳмаджон Одилов қамоққа олиганидан сўнг матбуотда «Одилов хонлиги», Рашидовнинг эркатойи содир этган юракни музлатадиган жиноятлар ҳақида кўллаб мақолалар пайдо бўлди, ҳатто ҳужжатли фильм тасвирга туширилди. Хуллас, миш-миш уни олдиндан суд қилиб қўйди... Айтганчалик, Бутирка камераларидан бирининг тутқунини ўзини қандай ҳис қиляпти?

— Шахсан ўзим Одиловни кўрганим йўқ. Хизмат бурчи юзасидан у билан муомалада бўлганларнинг айтишича, 2-тергов қамоқхонаси тутқунини ўзини ёмон ҳис қилмапти, у ҳамон келажига ишонч билан қарамоқда. Унинг ҳатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беришдан хиёл четласак (Одилов жиноят мажмуасининг 9 та моддаси билан айбланмоқда), қаршинида ҳокимиятга ўч одам қиёфаси намоён бўлади.

— Одилов ва унинг гунаҳлари шифқатсизлиги ҳақида кўп ёзилган. Тергов бунинг исботлай олдимми?

— Бу ҳақда фақат суд бирор нарса дейиши мумкин. Мен айблов ҳулосасига асосланбгина гапира оламан. Мана тергов исботлаган ўнлаб жиноятлардан иккитаси. Давлат ҳўжалиги ишчиси Темиров тўйдан қайтаётди, йўлда Одиловга рўпара келади. У машинага чиқиш ҳақида буйруқ беради. Темиров қочиб кетишга муваффақ бўлади ва қариндошларининг уйда яширинади. Уни туни билан излашади, эрталаб эса оқибатидан чўчиб ўзи директор ҳузурига келади. Темировни отхонага олиб боришди, ўша ерда Одилов уни қийноққа солди. Олдинга чирмаб таш-

ланган Темировнинг устидан сув қўйди, ҳолбуки февраль ойи эди. Кейин оловда чўгга айланган темир бўлагини олиб, шўринг қурғурнинг баданига теккиза бошлади. Ўрта асрми дерсиз? 1984 йил эди ўшанда.

Ўша пайтда яна бир ақл бовар қилмайдиган ҳодиса юз берди. Одиловга унинг барча аҳолини «умумхалқ» қурилишида иштирок этиши кераклиги ҳақидаги талабига қарамасдан бир киши — Сотимов уйдан чиқмаганлигини етказишди. «Ишончли» одамлар «қондабузар»ни директорга олиб келишди. Одилов уни бўғиб, оёғи билан тепа кетди, оёғи эса тезак бўлагини тикди. Лекин бу ҳам унга камдек кўринди. У Сотимовни тоққа олиб чиқиб, яп-яланғоч қилиб ечинтирди, ўлдираман деб пичоқ билан дўқурди. Кейин қурбонини ўша ерда қолдириб, йўлига равона бўлди. Жабрланувчи эса уйига 15 километр масофани пиёда босиб келди. Ўша пайтда Улуғ Ватан уруши ногирони Сотимов 74 ёшда эди. Одилов чол танасидаги урушнинг даҳшатли жароҳатини кўргандан сўнггина уни тинч қўйганди.

— Сергей Борисович, бундай жиноятлардан маҳаллий аҳоли беҳабар қолган бўлиши мумкин эмас. Наҳотки уллар жиноятчиларни фош этишга уриниб кўришмаган?

— Бўлмасамчи, ҳаракат қилишган. Бир неча марта КПСС МҚ Бош котиби Л. И. Брежневга, ССЖИ Олий Кенгашига, ССЖИ Бош прокурори ва ИИВга мурожаат қилишган, рўзномаларга ёзишган. Аммо бу шикоятлар атрофида гаройиб сукунат ҳукм сурган. Уларнинг ҳаммаси Ўзбекистонга қайтарилаверган, оқибатда янада кучлироқ шифқатсизлик билан ўч олиш давом этаверган. Шунинг учун Аҳмаджон Одилов иши барчамизга гўёки ҳам сабоқ, ҳам огоҳлантириш бўлиб қолади. Чунки ахлоқсизлик ўз-ўзидан дунёга келмайди.

Суҳбатдош  
Михаил НИКОЛАЕВ.  
(«Рабочая трибуна» газетасидан таржимма).

Жиноятчиликнинг тобора ўсаётганини ҳеч кимга сир эмас. Унинг олдин олиш, бартараф этиш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар эса қутилган натижани бермапти. Халқ эса ҳақли равишда бунга эътироз билдирмоқда. Наҳотки, жиноятчилар танобини тортиб қўядиган қонун, куч бўлмаса?

Биз бу каби саволларга жавоб топиш ниятида Наманган вилояти ИИБ БХСС бўлими бошлиғининг ўринбосари милиция подполковниги С. Акрамов, ЖҚБ бошлиғининг ўринбосари милиция майори Қ. Парпибоевлар билан суҳбатлашдик.

С. Акрамов: — Меҳнатчиларнинг эътирозларида жон бор. Аммо бу ЖҚБ, БХСС яхши ишламаяпти, дегани эмас. Биз имкониятимиз доирасида етарли иш олиб бораямиз. Тан олиш кераки, оз сонли ходимларимиз барча қонунсизликларни бартараф этишга улгура олмайдилар. Биргина Наманган шаҳрининг ўзида 400 дан ортиқ савдо дўкони мавжуд. Бундан ташқари ҳар жума, шанба, якшанба кунлари қўшни вилоятлардан кўчма дўконлар ташриф буюришади. Атиги 20 ходи-

ми бўлган БХСС бўлими ҳаммасини қандай назорат қилсин? Бўлимизга кўпроқ сигаретфурушлар устидан шикоятлар тушади.

Наманган шаҳар Широкая кўчасида яшовчи И. Набиев нархи 25 тийинлик «Астра» сигаретлари билан чайқовчи-

уйига беркитилган 283 дона колготка топилди.

Шу ўринда айрим фуқароларнинг қонунга зид ҳаракатларини ҳам айтишим керак. Яқинда бир неча сигаретфурушларни ушладик. Ўша ерда турган кишилар милиция ходимлари ва жа-

лар, кексалар, ҳатто аёлларнинг ҳам қўли борлиги ачинарлидир. Одамларнинг кўриб кўрмасликка олиши эса дард устига чипқон бўляпти. Шу ўринда бир ходимимиз куни кеча гувоҳ бўлган воқеани айтди. У Болтиқбўйи шаҳарларидан бирга борганда, шаҳар троллей-

қа жиний унсурларни автобус ёки троллейбусда қувиб ега олармикан?

Мана корхона ва хўжаликлар ажратган маблағлар ҳисобидан шаҳарда қўшимча маҳаллий (муниципал) милиция бўлаги тузилаётди. Шу маблағлардан фойдаланган ҳолда жиноят қидирув ходимлари сонини олти нафарга етказилса (ҳозир 2—3 нафар), аини муддао бўларди.

Юқоридаги икки масъул ходимнинг фикр-мулоҳазаларидан кўриниб турибдики, бутунги ўсиб бораётган жиноятчиликнинг пайини қирқиш, олдини олишда жамоатчиликнинг кўмағи зарур.

Ҳар йили «Ҳаракат хавфсизлиги ойлари», «Диққат, болалар!» каби операциялар ўтказилади. Бу ишда барча корхона, ташкилотлар вакиллари қатнашадилар. Натижада йўл-транспорт ҳодисалари маълум даражада камаяди. Нега бу тадбирларнинг олдини олишга нисбатан қўллаш мумкин эмас? Менимча, уюшган жиноятчиликка қарши уюшган кучлар курашининг лозим.

Неъматжон МАМАЖОНОВ,  
милиция майори.

## ҲАМЖИҲАТЛИК КЕРАК

лик қилаётганида қўлга олинди. Сўроқ қилинганда Совет туманидаги 5-аралаш моллар дўкони мудирини Ш. Қозоқовдан ҳар бир қутисига 1 сўмдан тўлаб, 1500 қўти олганлигини айтди. Дўкон омонори текширилганда, чет элда ишланган 23 жуфт пойафзал яшириб қўйилгани маълум бўлди.

Янгиқўрғон тумани матлубот жамиятига қарашли «Дўстлик» кўп молли дўконининг қийим-кечак бўлими мудирини М. Исмагуллаева 2000 сўмлик пойафзални уйига олиб бориб қўйган.

Чуст тумани матлубот жамиятига қарашли «Чуст» кўп молли дўкон сотувчиси Х. Маллаевнинг иши текширилганда, 2500 сўм камомад аниқланди. Бунинг устига

моатчи вакилларимизни ўраб олиб, уларни қўйиб юборинлар, олдин дўконларни сигаретларга тўлдириб қўйинлар, деб талаб қилишди. Ҳатто хизмат машинамизни ағдариб юборишга уриниб кўришди. Бунинг қандай тушуниш мумкин?

Тақлиф киритардимки, маҳаллий (муниципал) милиция ҳисобидан бизга қўшимча 20 оператив ходим берилса. Шунда имкониятимиз доирасини кенгайтириш мумкин бўлар эди.

Қ. Парпибоев: — Мен бугунги кунимизда ҳаммани баравар ташвишлантираётган ўғирлик ҳақида гапирмоқчиман. Аҳоли гавжум жойларда — бозорлар, жамоат транспортда кўллаб содир этилаётган ўғирликларда ўсмир-

бусига чиққан. Икки бекат юришгач, унинг ёнида турган киши йўловчи: «Бу одамнинг билети йўқ», — деб ушлаб беришибди. Яна кифояланмай текширувчилар билан бориб ходимимиз жарима тўлагачгина йўлига равона бўлишган. Ана юртпарварлик, фуқаролик масъулияти. Бизда эса аксинча. Кўпгина ҳолларда воқеа шохиди бўлганлардан сўрасангиз, «билмадим, кўрмадим»дан нари ўтишмайди.

Булардан ташқари ички муаммоларимиз ҳам валайғи-на. ЖҚБнинг 19 оператив ходимига битта автомашина берилган. Вилотимизнинг бошқа туман ИИБда ҳам аҳвол шунақа. Ходимларимиз жуфтакни ростлаш машқини олган ўғри, киссавур ва бош-



# Тўқнаш

Э. РАҲМАТОВ РАСМЛАРИ

Эшикни очиши билан бўйнига пичоқ қадалди. Иккинчи кимса эса қирқма миллионни кўкрагига тираб, совуқ вишиллади.

— Овозингни чиқарма, аблаҳ.

Уни совуқ тер босди. Қаршида турган кимсаларнинг шунчалик даражага етишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Шошиб қолди. Жон ширин, ахир.

— Ичкарига кир, «мент». Бугун кунинг битган.

Чақирилмаган «меҳмон»лардан бири хоналарни айланаб чиқди. Кўзлари олазарак. Қонга тўлган.

— Бир ўзинг экансан-да. Жуда соз. Узимиз «йигит»часига келишиб оламиз.

— Ешинг ўттиздами? Бекорга умрингни хазон қилясан. Ҳали дунёнинг лаззатидан тўймагансан. Сен бекорча нимани ҳам кўрдинг ўзи?

— Бу фақат бизга ўхшаш «хўроз»ларнинг қитиқ пати-га тегишдан бошқасини билмайди. — деб улар хо-холоб кулиб юборишди.

Йўқ, у кўп нарсани кўрди. Анчагина хайрли ишларни амалга оширди. Ушлаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолди. Бугун эса ўзи икки дунё оралиғида турибди. Бир нарса бўлса, ота-онаси, умр йўлдоши, жанжи житар-бандлари қай қолга тушар-кан?..

У Қаршининг биқинидаги сўлим қишлоқлардан бирида туғилиб, воёга етди. Отасига қарайиб юриб, меҳнатда товланди. Тирикчиликнинг заҳматини, бурда ноннинг қад-рини яхши билди. Бугун умри тракторчиликда ўтган отаси, жазирама иссиғу суякни зиқиратадиган совуқда ҳам қўлидан кетмонини ташламаган онаси бир этак болани оқ юшиб, оқ тарашди. Халол яшашга ўргатишди. Шу тахлит тарбияланган ўсмир бошқаларнинг на-сисабига ола қарайдиганларни кўрганда нафрати ошади-ган бўлди. Бундай нопокларга қарши курашишни дилига тутди.

Ўрта мактабни олтин медал билан тугатган йигитча яхши ниятда Москва давлат дорилфунуни ҳуқуқшунос-лик куллиётига ҳужжат топширди. Биринчи имтиҳондан «яхши» баҳо олди-ю, лекин иккинчисидан ўтолмади. Қурилиш участкасига ишга кириб, мустақил тайёрланди. Кейинги йили Тошкент давлат дорилфунунига келди. Бу гал ҳам ҳуқуқшунослик куллиётига. Афсус, бу сафар ҳам унга омад кулиб боқмади.

Шу йили кузакда унга ҳарбий комиссарликдан ча-қирув қоғози келди.

— Эшитаман, гражданин начайлик. Тураверамизми шундай?

— Нима бало, «мент»ларнинг школасида ҳеч нарса ўтилмайдими, дейман. Утиришга ҳам таклиф қилишни билмайди бу... Ахир у ерда ин-сон-пар-вар, меҳ-мон-дўст қилиб тарбиялашади-ку.

Ҳа, бу мактабда фуқаро-ларнинг ҳақ-ҳуқуқи, осо-йишталигини ҳимоя қилиш-дек олижаноб, шу билан бирга машаққатли ва таҳли-кали касб эгалари етишиб чиқади.

Армия сафидан йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, Тош-кент Олий милиция макта-бига ўқишга кирди. Қайноқ толиблик даври ортда қол-ди. Бу даргоҳни ҳам имти-ёзли диплом билан тугатди. Мактабда у кўп нарсани кўр-ди, малакаси ошди. Жавоб-гарликнинг фақат милиция мактабидан ўрганиш мумкин бўлган юксак даражасини англаб етди.

Мактабда инсоннинг не-ларга қодирлигини, унинг куч-қудрати, қийин дақиқа-ларда ўз-ўзини бошқара олиш қобилиятини, керакли лаҳзаларда ҳиссиётни, газаб-ни жиловлай ола билишни ўрганди.



Мактабда у йигитларга на-фақат кўрк бағишлайдиган, балки шарт бўлган эпчил-лик, жасурликнинг янги қирраларини эгаллади.

Мактабда дўстлик, қадр-қиммат, инсонийлик каби буюк туйғуларни ҳис этди, кўнглига жо етди.

Қўлга олий маълумотли ҳуқуқшунос деган ҳужжатни олгач, яъни 1986 йил Қаш-қадарё вилояти ички ишлар бошқармасига келди. Бу идо-рада жиноят қидирув бўли-ми оперативки бўлиб, қоғоз-ларга кўмилиб икки йил тер-тўнди. Сўнгга Қарши шаҳар ИИБга ишга ўтди. Бу жой-да жиноят қидирув бўлими катта оперативки бўлиб хиз-мат қила бошлади. Бу давр-да нималарни кўрмади дей-сиз. Неча бор ўлим билан юзма-юз келди. Қўлаб қо-тилларни, пихини ёрган то-вламачиларни, устаси фаранг ўғрилари, кўзи қонга тўл-ган нажавандларни қўлга олди. Ҳар бир воқеанинг ўзини китоб қилса арзигу-лик. Бугун эса...

Босқинчилардан бири ой-наи жаҳон мурватини бу-ради. Экраи аста-секин ёриш-ди. Чет элда ишланган ба-дий фильм намойиш эти-ларди.

— Вовчик, вақт кетяпти. — Қисилма, ярим соат вақтиниз бор. Хўш, гражданин катта лейтенант. — Вов-чик унга яқинлашди-да қирқ-ма миллионни ёноғига тира-ди. — Қўлингга орқага қил. Тез-тез. Ҳа, баракалла. Ек-

маяптими? Биз сенинг буй-ругингни бажарамиз-ку. Энд-ди гапни эшит. Ё ҳа, ё йўқ. Фақат бир оғиз сўз. Ана шу сўз ҳаётингни белгилайди.

Қирқманинг оғзи юзига ботиб, жизиллата бошлади. Нима қилсин. Шопмаслик керак. Ҳар бир дақиқа, ҳар бир ҳаракат унинг фойдаси-га ишлаши лозим. Бўлмаса...

— Бурчакка ўт. Утир ўша ерга. Тезроқ қимирла деяпман. Ҳа сенинг... Гапир, кўнасанми?

Лақаби Вовчик бўлган бу кимсани жуда яхши таний-ди. Владимир Головин, 1951 йили таваллуд топган. Қар-ши шаҳридаги уйлардан би-рида туради. Илгари икки марта судланиб, «ўтириб» чиққан. Утакетган даражада айёр. Ҳар қандай аблаҳликдан қайтмайди. Жуда кўп қабих ишларни амалга оширган. Шайтонга дарс бергани учун ҳам жиноятга ўзи бормасдан бошқаларни тайёрлаб жўна-тар, уларнинг ишнини узоқ-дан кузатиб турарди. Сабаби маълум. Мабодо «шерик»ла-ри қўлга тушиб қолса, Голо-вин сувдан қуруқ чиқиб ке-тиши керак.

Иккинчиси — Асқар Ра-шанов. 1960 йилда туғилган. Қаршида яшайди. Уч марта қамалиб чиққан. Асқар ҳам Вовчикдан қолишмайди. Ле-кин Головин билан унинг орасидаги фарқ катта. Жу-да-жуда. Головин иш боши— буюрувчи бўлса, Асқар унинг «торпедо»си, буйруқни ба-жарувчи. Бошқача айтганда югурдак.

Кейинги вақтда жиноятчи-лар орасида иккаласининг обрўи кўтарилиб кетганди. Чунки улар милиция, суд, прокуратура ходимларига тўпаса қилиб, овоза тарқа-тардилар. Бир ишни ёпасан, деб бу икки шахс Қарши ша-ҳар ички ишлар бўлими бош-лигининг собиқ ўринбосари, милиция майори А. Матвеев ва Қарши шаҳар ИИБ бош-лиғи (собиқ), милиция майо-ри А. Хамаевга «болаларинг-ни ўғирлаб, ўзларингни ўл-дириб кетамиз», дея дағда-ға қилди. Шу орада юқори-даги милиция ходимлари маълум сабабларга кўра ишдан бўшаб, бошқа шаҳар-га кўчиб кетадилар. Товла-мачиларнинг шантани чора-сиз қолади. Ана шундан кей-ин улар баттар қутуриб ке-тишади.

МУАЛЛИФДАН: олдим-да Асқарнинг хурма-ча қилиқлари битилган ҳужжатлар ётибди. Би-рида унинг судья ва соқ-чиларга пичоқ ўқталиб ҳу-жум қилгани ва суд залидан қочиб кетгани ёзилган бўл-са, иккинчисида автомашина ўғирлагани учун қўлга оли-наётганида жиноят қидирув бўлими ходими С. Очиловга ханжар билан ташлангани, учинчисида эса «дўст»лари-дан бири тан жароҳати ет-казган жабрланувчиларни «ўлдириб кетаман» дея қўр-қитиб, суддан аризасини қайтариб олишга мажбур қилгани битилган. Қутурган ҳайвон даражасига етган бу кимсанинг қилгиликларини санайверса, адоғига етиш қийин.

(Давоми бор)

## МЕН НЕ ДЕЙМАНУ, ҚЎБИЗИМ НЕ ДЕЙДИ?

ТАҲРИРИЯТГА КЕЛГАН ШИКОЯТДАН:

«Салом, ҳурматли «Постда» ходимлари!

Мана, бир йил бўлаяпти, укам Аминов Мўмин ноги-рон бўлиб қолган. Икки ой касалхонада ётди, ҳамон май-иб ҳолатда юрибди. Мили-ция эса жиноятни ҳаққоний очиб ташламай, бир йилдан бери қоғозбозлик қиляпти.

Укам хўшсиз ётганда Тош-пўлатов Аҳаджон касалхона-га олиб бориб ташлаган. Шофёр Аъзамов Мавлон ма-шинаси билан қочган. Ички ишлар бўлими укамни айб-дор қилиб, жиноятни ёпиб ташлади.

Хўш, шофёр урмаган экан, нимага машинаси билан қоч-ди? Нимага ГАИ ходими Бобононов Қаҳдоржон келиб воқеани айтган Тошпўлатов Аҳадни гувоҳ қилмади? Па-чақланган мотороллери уй-мизга бериб юборди? Уни воқеа жойида эмас, уйимизда расмга олди. Шу тўғрими? Шофёрнинг машинасини, укамнинг мотороллерини экс-пертиза қилмай ишни ёпди-лар.

Шофёрнинг танобини тор-тадиган милиция Қўқонда йўқ. Қоқинга жазо борми? Наҳот беринглр.

Аъзам АМИНОВ, Қўқон шаҳар, Муқимий кў-часи, 114.

ФАРҶОНА ВИЛОЯТИ ИИБ БЕРГАН ЖАВОБ ХАТИДАН:

«... Сизнинг 1991 йил 20 февралдаги 36/20 рақамли хатингиз бўйича қуйидаги-ларни билдирамиз:

1990 йил 28 январь кун-соат 12 лар чамасида Мўмин-жон Аминов ТМЗ-540302 бел-гили 36-72 ФЕЖ рақамли мо-тоциклини ҳайдовчилик гу-воҳномасиз бошқариб бо-раётиб, Қўқон шаҳрининг Ленинobod ва К. Маркс кўча-лари кесмишган жойда «ЛАЗ-695» белгили 56-13 ФЕМ ра-қамли автобус билан тўқ-нашиб кетган. Аъзамов Ма-влонжон бошқарувдаги бу ав-тобус шу шаҳардаги 10-авто-паркка қарашли экан. Тўқ-нашув натижасида мотоцикл ҳайдовчиси тан жароҳати олиб, касалхонага тушган.

Шу ишни зиммасига олган Қўқон шаҳар ИИБ терговчиси Б. Раҳматуллаев 14 февраль кунин Мавлонжон Аъзамовга нисбатан қўзғатилган жино-ий ишни УзССЖ ЖПК 5-мод-дасининг 2-қисмига мувофиқ тўхтатган.

Шундан кейин Мўмин-жон Аминов турли маҳкам-ларга шикоят ёзган. Қўқон шаҳар прокурори ёрдамчи-си Н. Рамақулов ҳақиқатни аниқлаш мақсадида М. Аъза-мовга нисбатан ЖМнинг 208-модда 1-қисми билан жиноий иш қўзғатган. Яна бу иш Қў-қон ИИБга юборилган.

Бу сафар мазкур иш билан терговчи Т. Исмонлов шу-гулланган. 1990 йил 17 июль кунин ЖПКнинг 5-модда 2-қисми билан яна тергов ҳа-ракатлари тўхтатилган.

Ҳозирги кунда 29327-ра-қамли жиноят иши назорат

### ЭЪЛОН

Тошкент қишлоқ хўжали-ги институтининг пиллачи-лик факультетини 1977 йили тугаллагани ҳақида Мирсаидова Бувимайрам но

тартибда жумҳурият про-куратурасида (Мамажойев Олимжонда) текширилмоқда. Фарғона вилояти ички иш-лар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, милиция майори В. Д. Ли».

ТАҲРИРИЯТДАН: биз-қўқонлик Аъзам Аминов мактубини, тўғрироғи ши-коятини олгач, ўйланиб қолдик. Жабрланувчи но-гирон бўлиб қолгани учун ака адолат истаб бизга му-рожаат қилибди. Бас, шун-дай экан, бу воқеа тафсилот-лари билан вилоят ИИБда-ги мутахассислар шуғул-лансин, ҳақиқатни юзага чиқаришсин, деган қарорга келдик.

Тўғриси айтганда, бош-қарма бошлиғининг ўрин-босари, ҳурматли ўртоқ Лининг жавоби бизни мут-лақо қониқтирмади. Бу матбуот сўровига номини аниқлаш йўлланган, расмиятчилик-дан ўзга нарса эмас. Ахир биз ички ишлар бошқарма-сидаги ўртоқлар фалокат билан ва уни ўрганиш жа-раёнлари билан батафсил танишиб чиқишади, ҳақиқат-ни қарор топтириб, шу асно-да жабрдийда дардига мал-ҳам қўйишади, деб умид қилгандик. Афсус, умидимиз чиппакка чиқди.

Юқорида милиция майо-ри В. Ли имзо чеккан хатни атайлаб чоп этдик. Унда, халқ ибораси билан айтган-да, пичоққа илинадиган бирорта жумла йўқ. Агар шикоятчининг эътирозлари ўринли бўлса, нима учун гувоҳ А. Тошпўлатовнинг фикрлари инobatга олин-мади? Нима учун фалокат сабаблари жойида ўр-ганилмади, пачақланган мото-цикл эгасининг уйига юбо-рилди? Нима учун ДАН ходими ўша мотоциклини бориб-бориб жабрланувчи-нинг уйида суратга тушир-ди, бу билан у нимани аниқ-лай олади? Ва ниҳоят, яна қайтариб айтаемиз, ши-коятчининг эътирозлари ўринли бўлса, жабрланув-чини ташлаб қочиб кетган ҳайдовчига нисбатан нега бирор чора қўрилмади?

Таҳририятдан келган ши-коятни текширмоқчи бўл-ган, аниқроғи «текшир-ган» кишилар ана шу са-волларга жавоб топишлар-и шарт эди. Надоматлар бўлсинки, масаланинг му-ҳим томонлари бутунлай эътиборсиз қолдирилган.

Биз рўзнамадан наҳот сўраган кишига ўртоқ В. Ли жавобларини юборсан, адо-латдан булармикан? Ана шундай мужмал жавобни олган киши пешонасига уриб, бу дунёда адолат йўқ экан, дея оҳ чекмайдими? Милицияга, қолаверса эн-ди тетапога бўлаётган рўз-номамизга ишончи йўқол-майдими?

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ана шулар ҳа-қида чуқурроқ ўйлаб кўра-ди ва бу ҳақда бизга ўз му-носабатларини билдиради, деб умид қиламиз.

### БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ПОСТДА» РЎЗНОМАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. АГАР СИЗ 5 МАЙГА-ЧА ОБУНА БЎЛСАНГИЗ, ВИЗНИНГ РЎЗНОМАМИЗНИ 1 ИЮНДАН БОШЛАБ ОЛА БОШЛАЙСИЗ. ОБУНА ВАҲОСИ: 7 ОЙГА — 9 СЎМ 10 ТИЙИН; 6 ОЙГА — 7 СЎМ 80 ТИЙИН; 3 ОЙГА — 3 СЎМ 90 ТИЙИН. ВИЗНИНГ ИНДЕКС — 64615.